Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 138 (20. 405) • 1989 йил 11 июнь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Биз халқ депутатларининг биринчи съездида ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини кўриб чиқишни ниҳоясига етказяпмиз. Съезднинг иши тугай деб қолди. Съезднинг иши ҳақидаги ўз таассуротларимни дастлабки тарзда баҳам кўрмоқчиман. Ўйлайманки, съезднинг якунлари, бу ерда бўлган музокаралар асосида биз ҳали обдон ишлашимизга тўғри келади. Аммо ҳозир, съезд вақтида ёки у тамом бўлиши биланоқ узилкесил баҳо бериш вазифасини ўз зиммасига олмоқчи бўлган киши ўзига ортиқ даражада ишонган бўлади, деб ўйлайман. Бунинг устига, съездда сўзга чиқмаган кўпгина ўртоқлар ўз нутқларини секретариатга топширмоқдалар. Умуман сиз билан бизнинг ихтиёримизда жуда кўп материал бор, у чуқур, жиддий муносабатни ва ўрганишни талаб қилади.

Шундай бўлсада ҳозирги съездимиз бизни демократия ва ошкоралиги, қайта қуришнинг ўзини ривожлантиришнинг янги боқичига олиб чиқишига аминман. Эҳтимол, ҳар бир кишининг съезд тўғрисидаги ўз фикри, у ёки бу нутқлар ва қарорлар хусусидаги ўз мулоҳазалари, ўз тахминлари бордир. Шундай бўлиши мутлақо нормал ва табиий деб ўйлайман. Бироқ, чамаси, съездга нақадар хилма-хил баҳо берилмасин уни совет давлати тарихидаги энг катта воқеалар жумласига қўшиш мумкин, десам бу фикримга қўшиласизлар. **(Қарсаклар).**

Сиз билан биз съезд муҳитида жамиятда рўй бераётган жараёнлар, унинг ўтмиши, ҳозирги ва келажаги хусусидаги фикрлар, нуқтаи назарлар бемалол қиёс қилинаётганининг жонли шоҳидлари ва қатнашчилари бўлиб турибмиз.

Бу эса ишларнинг амалдаги аҳволи ҳақида, турмушимиздаги ютуқлар ва камчиликлар, у ёки бу салбий ҳодисаларнинг сабаблари ҳақида бизга, биз депутатларгагина эмас, барча меҳнаткашларга, бутун жамиятга ҳам ноёб имконият беради. Бу нарса бизга кенг демократиялаш ва ошкоралиқ доирасида жамият барча табақаларининг жуда хилма-хил манфаатларини эътиборга олиш ва рўёбга чиқариш учун амалий имкониятлар очаётганлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилади.

Айни мана шундай муҳитда фикрлар хилма-хиллиги рўёбга чиқади. Бу эса сиёсий системамизнинг, ижтимоий тузумимизнинг катта потенциал имкониятларидан далолат беради. Мен шуни таъкидлашни зарур, деб ҳисобладим, чунки баъзи кимсалар конструктив оппозиция, сиёсий хилма-хиллик тўғрисидаги ғояни айтмоқда. Ўйлайманки, съезд, унинг бутун иши — совет сиёсий системаси донрасида ҳам, демократиялаш ва ошкоралиқ йўлида фикрларни жуда кенг миқёсда таққослаш, ўзгача фикрлаш, турли нуқтаи назарлар асосида баҳамжиҳат қарорларни ишлаб чиқиш, мамлакат, барча халқларимиз тақдирига тааллуқли ҳамма масалалар юзасидан муросага келиш қонунини топиш мумкинлигини исботлайдиган яққол далилдир. Съезд социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга оид зарур қарорларни коллектив бўлиб излаш учун жуда катта имкониятлар борлигини намойиш этди.

Биз демократиялаш ва ошкоралик, революцион ўзгартишларни чуқурлаштириш йўлидан халқ ҳокимияти сари бундан буён ҳам боравершимиз керак. Менинг фикрим мана шундай ва айтмоқчиманки, съезд бу йўлда қатъий қадам ташлади. **(Қарсаклар).**

Яна бир гап бор, ўртоқлар. Очиғини айтсам, съездда бундай мунозара авж олиб кетишига кўпларимиз психологик жиҳатдан, эҳтимолки, интеллектуал жиҳатдан ҳам тайёр эмаслигимиз сезилиб қолди. Бу гап социал турмуш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳот, қонун чиқарувчилик фаолияти, иттифоқ давлатимизнинг моҳияти ва истиқболлари, олис ва яқин тарихдаги баъзи воқеаларга баҳо бериш муаммоларига ҳам тааллуқлидир. Мен буларнинг ҳаммасини бўрттириб кўрсатмоқчи эмасман, чунки рўй бераётган воқеаларнинг ҳаммаси мамлакатимизда жадаллашиб бораётган қудратли демократик оқимнинг ифодасидир.

Биз ҳамма нарсани осойишталик, вазмилик билан суриштириб билиб олишимиз, ҳаммасини оқилона баҳолашимиз ва коллектив муҳокамалар натижасида бир хулосага келмоғимиз, сиёсатда ва амалий фаолиятда уларни рўёбга чиқармоғимиз лозим. Депутатларнинг нутқларида айтилган ва мен ўз нутқимнинг бошида эслатган тажқидий мулоҳазалар ва таклифларни баҳолашга жиддий ёндашсак, тўғри йўл тутган бўламиз, деб ўйлайман.

Жамики оқилона, янги, амалий ва иш учун фойдали таклифлардан асло ҳадиксирамай фойдаланиш керак. Бу ишда қайта қуриш манфаатлари, халқ манфаатларидан иборат битта мезон бўлиши керак.

Эҳтимол, бир гапни яна айтиб ўтиш керакдир. Ҳар қандай бурилиш даври эзланишни, янгича ечимларни, тафаккурда, фанда ва практикада янгилик сари ёриб ўтишни талаб қилади. Қайта қуриш ҳам жамиятни янгилашни таъминлайдиган янги йўлларни топишни ўз олдига айни вазифа қилиб қўймоқда. Етук муаммоларни ҳал этишда бизни олға силжитадиган бу йўлларни янгиликлар ва дадилликлардан чўчимай, биргаликда излашимиз зарур. Шу кунларда, депутатларнинг ўткир, баъзан кескин, эҳтиросли нутқларига қулоқ солганда, муаммолар юкини, уларнинг жуда оғирлигини ҳам, сиз билан бизнинг асосий, аслида энг муҳим ишимиз келгусида қилиниши лозимлигини ҳам қайта-қайта ҳис этасан, киши.

Депутатлар съезд минбарига катта-катта ва аниқравшан масалаларни, танқидий руҳни, янги фикрларни ва энг муҳими, меҳнат коллективларида ҳам, регионларда ҳам, тармоқларда ҳам, умуман мамлакатда ҳам ишларнинг аҳволидан қаноатланмаслик туйғусини олиб келдилар. Тўғри, съездда ҳал этилмаган муаммолар ҳақида ҳаддан ташқари кўп гапирилди, аммо конкрет таклифлар етарли бўлмаганлиги сезилиб турибди, деган мулоҳазалар ҳам бор. Съезд номига келаётган баъзи телеграммалардан ҳам шуни кўриб турибман. Марказнинг шанига танқид жуда кўп-у, ўз-ўзини танқид жуда кам, деб таъкидламоқдалар.

Мен бундай мулоҳазаларга қандай қараган бўлур эдим?

Съездимизнинг хизмати шундан ҳам иборатки, кенг мунозара асосида биз мамлакат турмушида рўй бераётган реал жараёнлар, халқнинг турли табақалари кайфиятлари ҳақида анча тўлиқ тасаввур олдик, деб ўйлайман. Бу — биринчиси.

Иккинчиси шуки, съезд турмушнинг ўзида қайта қуриш қандай бораётганини, сиёсий йўл-йўриқлар, қабул этилган қарорлар қандай татбиқ этилаётганини кўриш имконини беради. Қайта қуриш қандай баҳоланаётганини, ислоҳотларни амалга ошириш йўлида қандай қийинчиликлар турганини, ислоҳотларнинг самарадорлигини нималар пасайтираётганини, сусайтираётганини, меҳнаткашларнинг ўзгартувчилик фаолиятига нималар халақит қилаётганини кўриш имконини беради. Мана шуларнинг ҳаммаси бизга шундай билим берадики, ўртоқлар, биз шу билимсиз муаммоларни самарали ва муваффақиятли ҳал қила олмаймиз, олга ҳаракат қилолмаймиз, ишимизни яхшилай олмаймиз.

Бундай билим бизга ўтмишдаги ишимизни баҳолаш, камчиликларни аниқлаш, сабоқлар чиқариб олиш, уларнинг ҳаммасини сиёсатни ишлаб чиқиш чоғида эътиборга олиш, қабул этилган қарорларга тузатиш киритилиши зарур бўлса, мана шундай тузатишларни киритиб олиш имконини беради.

Халқ депутатлари ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасида туб ўзгаришлар рўй бермаса, магазинларнинг пештахталарида озиқ-овқат ва саноат моллари етарли миқдорда бўлмаса, уй-жой, пенсия таъминоти, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва шу кабилар яхшиланмаса ҳеч қандай қайта қуриш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини жуда қатъият билан ўткир қилиб айтдилар.

Бу масалалар докладларда ҳам, депутатларнинг нутқларида ҳам асосий масалалар қилиб қўйилганлигини тўғри, деб ҳисоблайман. Докладларда бу масалалар кундалик вазифаларга жуда боғлаб талқин этилганлиги сабабли баъзи депутатлар бу докладлардан қониқмаганликларини ҳам биламан.

Менинг фикримча, докладлар ҳозир жамиятни энг кўп ташвишга солаётган масалаларга қаратилди. Мамлакатда мавжуд бўлган ва социал кескинликни юзага келтираётган ўткир муаммолар ҳақида гап очилганида, биз фақат янгиланган жамиятнинг характерини қандай тасаввур этишимиз, унинг асосий белгилари нималардан иборат бўлиши, у қандай босқичлардан ўтиши лозимлиги хусусидаги мулоҳазалар билангина шуғуллансак ,тушунарли бўлмас эди. Унда биз халқнинг энг муҳим ташвишларидан бўйин товлаган бўлур эдик.

Мана шу қаётий муҳим, энг зарур масалалар хусусидаги мунозара, биз айтаётгандек, долзарб вазифалар яқин вақт ичида ҳал этилиши мумкинлигига ишончни кучайтиради, деб ўйлайман.

Бу ҳақда гапираётганимнинг боиси нима? Умуман бу масалаларда принципиал ихтилофларни кўрмадим. Аслида кейинги йилларда жамоатчиликнинг диққат марказида турган мавзуларга янгради. Бироқ ёндашувларда ва айниқса ҳукумат ва депутатлар таклиф этаётган чора-тадбирларнинг қатъийлик даражасида тафовутлар бўлди. Бир қанча ҳолларда бу тафовутлар анча катта эканлиги сабабли жиддий таҳлил этиб, баҳолашга сазовордир. Умуман экономикани соғломлаштиришга оид энг муҳим муаммоларни ҳал қилиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар программаси устидаги ишни давом эттириш керак. Бу иш билан СССР Олий Совети ҳам, ҳукумат ҳам иқтисодчи олимлар ва амалиётчи ходимларни жалб қилиб, шуғулланишлари керак.

Ўртоқлар, мен такрорлашни хоҳламас эдим-у, аммо экономикани ривожлантиришга ёндашувлар хусусида бу ердаги фикрлашувлар баъзи масалалар хусусида гапириб ўтиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Съездда депутатлар халқ хўжалигидаги аҳвол ҳақида кўп гапирдилар. Меҳнат коллективларига ҳам, регионларга ҳам, тармоқларга ҳам, хўжалик юритишнинг ўз принципларига ҳам тўхталиб ўтилди. Мен буларнинг ҳаммасини жиддий қабул этаман ва тараққиётимизни жадаллаштириш йўлларини излашга қўшилган муҳим ҳисса, деб баҳолайман.

Шу муносабат билан қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Башарти, биз социалистик мулкчилик муносабатларини тубдан қайта қурмасак, олга силжимаймиз ва белгиланган мақсадларга эриша олмаймиз.

Бизга шундай қайта қуриш керакки, инсон, меҳнат коллективи ишлаб чиқаришнинг хўжайини мавқеига амалий равишда қўйиладиган бўлсин, бундан келиб чиқадиган ҳамма чуқур, жиддий оқибатлар эътиборга олинадиган бўлсин. **(Қарсаклар).** Шундай қилмай туриб, биз ҳеч нарсани ҳал эта олмаймиз, ўртоқлар. Структура соҳасидаги чора-тадбирларимиз ҳам, бошқарувни қайта қуриш ҳам, ҳар қандай даъватларимиз ҳам ҳеч қандай наф бермайди. Башарти, биз одамлар ва коллективларнинг иқтисодий фаолиятига янги оқим бахш этсак, вазият тубдан ўзгариб кетади. Бунга менинг ишончим комил ва шундай позицияда турган кишиларнинг фикрига қўшиламан. Умуман олганда, бу илмий, интеллектуал машқларнинг маҳсули эмас, балки орттирилган тажрибанинг натижаси ҳамдир, деб ўйлайман.

Биз ҳозирча мана шу тўб муаммони ҳал этиш йўлларини зўр-базўр тимирскилаб бораётганимизни айтишим керак. Хўжалик ҳисобининг энг самарали шакллари, унинг илғор моделлари қийинчилик билан, қидирилмоқда. Бироқ назаримда, социалистик мулкчиликни ислоҳ қилишга умумий ёндашув аста-секин равшанлашиб бормоқда.

Бу ерда депутатларнинг давлат мулкчилиги ҳақиқий умумхалқ характерини тиклаш, уни том маънодаги социалистик ижара муносабатлари орқали инсон ва коллектив билан боғлаш тўғрисида айтган мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган бўлур эдим. Бошқача қилиб айтганда, масала шу таҳлитда тўрибди: жамият умумхалқ бойлигининг эгаси бўлиб қолиш билан бирга, унинг асосий қисмини хилма-хил ижара муносабатлари орқали меҳнат коллективлари ва айрим кишилар ихтиёрига топширади, бу меҳнат коллективлари ва айрим кишилар ундан фойдаланиш учун тўла жавобгар бўладилар, давлат олдида муайян иқтисодий мажбуриятларни зиммага оладилар, ўз хўжаликларини ўз ҳисобларидан, шунингдек, кредитлар ёрдами билан мустақил бошқарадилар. Улар ўз хўжалик фаолияти натижалари юзасидан даромад ҳосил қиладилар, социалистик бозорда мустақил товар ишлаб чиқарувчи сифатида иш кўрадилар. **(Қарсаклар).**

Мана шундай ёндашув шароитида, гарчи умумхалқ корхоналари билан кооператив корхоналарнинг хўжалик юритиш формалари ҳар хил бўлиши мумкинлиги равшан бўлсада, улар ўртасидаги муҳим тафовутлар бартараф этилади. Ижара муносабатларини кенг жорий қилиш, кооперацияни ривожлантириш асосида хўжаликни самарали, узлуксиз, манфаатдорлик билан юритишга қизиқтирадиган омиллар вужудга келади.

Биз социалистик бозор муносабатларини ривожлантиришда ва ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда ҳеч иккиланмаймиз. Ҳозирги кунларда, ҳаммамиз биламиз, ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида, ҳаётимизнинг ҳар бир лавҳасида ҳеч иккиланмасдан, ҳеч иккиланмасдан, ҳеч иккиланмасдан,

М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўртоқлар, аграр масала хусусида ҳам гапирмоқчиман. Съездда бу масала жиддий оҳангда янгради, бунинг сабаби мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти ҳолатидан ташвишланаётганлигиг и н а эмас, шу билан бирга аграрчи депутатларнинг съездга тақдим этган актив позицияси ҳамдир. Принцип жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлашни истайман, аммо бу ўринда уларни қўллаб-қувватловчи сўзнинг ўзи камлик қилади. Гап деҳқонларнинг тақдири ҳақидагина эмас, умуман мамлакатнинг тақдири тўғрисида ҳам бораётганлиги сабабли бу — кенг миқёсли туб масаладир. Амалий ишдаги сиёсатни ишлаб чиқишда бу масалага айни шундай ёндашмоқ керак. Қишлоқни тиклаш, агросаноат комплексини экономиканинг мамлакатни зарур ҳамма нарсалар билан таъминлай оладиган юксак даражада ривожланган секторига айлантириш умумхалқ иши эканини кўпдан бери гапириб келяпмиз. Аммо қишлоқ аҳолисини бирталай кўпгина муаммолар — қишлоқ турмушининг қулайсизлиги билан ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш учун зарур воситалар билан, таъминланмаганлик билан ҳам юзма-юз қолдиряпмиз.

Марказий Комитетнинг март Пленуми тўғри йўлни танлаб олганига ишончим комил. Иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш асосида биз колхоз ва совхозларни, қишлоқ хўжалик ходимларини ҳамма кишанлардан халос қилишимиз, уларга тўла мустақиллик бериб қўйишимиз керак. Пленумда қишлоқнинг социал ривожланиши масалаларини имкони борича тезроқ ҳал этиш зарур, деб топилди. Бу ишга катта ресурслар ажратилмоқда. Одамлар ўз турмуш шароитларидаги амалий ўзгаришларни яқин вақт ичида ҳис киладиган бўлишлари, қишлоқдаги турмушнинг пухта истиқболига ишонч ҳосил қилишлари лозим.

Маҳсулотни асраш ва қайта ишлаш базасини жадал ривожлантириш кечиктириб бўлмайдиган ишлардан бири, деб тан олинди, чунки бу масалалар зудлик билан ҳал этилмаса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш соҳасида ҳар қандай куч-ғайрат сарфлашдан ҳеч қандай маъно чиқмайди. Бу соҳада ҳам кўп иш қилинмоқда. Бироқ аграрчи депутатларнинг нутқларидан тушунишимча, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида аграр секторнинг эҳтиёжлари ҳукуматда ҳам, Олий Советда ҳам янада эътибор билан кўриб чиқишни талаб қилади. Бу масалалар бутун жамиятнинг эътиборини, ҳар бир район, область, республикада эътибор берилишини талаб қилади. Биз шундай бурилиш қилишимиз зарур. **(Қарсаклар).**

Экономикамизнинг бутун қудратидан фойдаланиб, қишлоқни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини зудлик билан ҳал этмоқ керак, ўртоқлар. Съездда бу хусусдаги фикрларимиз бир, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Биз ҳаммамиз социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни қатъият билан ўтказиш кераклиги хусусида якдилмиз, бу эса қонун чиқариш соҳасида катта ишларни талаб қилади. Мен муайян стратегияни ишлаб чиқиб, унга амал қилиш фойдали эканлиги хусусида сўзга чиққан нотиқларнинг, шу жумладан депутат Алексеевнинг фикрига қўшиламан. Қонун чиқарувчилик фаолияти соҳасида орқада қолиш ҳозирнинг ўзидаёқ федератив давлатимизнинг ўзгартувчилик жараёнларини ривожлантиришга халқ-қит бераётганлигига аминман.

Шунинг оқибатида марказ билан республикалар ўртасида сунъий жанжаллар келиб чиқмоқда, ҳар хил англашилмовчиликлар бўлиб турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси ишимизга халақит бермоқда. Биз иқтисодий ва социал ислоҳотнинг янги босқичига мос келадиган қонун ҳужжатларини тайёрлашни жадаллаштиришимиз зарур, бу ислоҳот ҳозир федерация манфаатларига, республикаларнинг, автоном тузилмаларнинг, миллий округларнинг, маҳаллий Советларнинг суверенитетига дахл қилмоқда.

Съездимизда биронта масала миллатлараро муносабатлар тўғрисидаги масала каби кенг муҳокама қилинмаганлиги равшан, ўртоқлар. Биз ҳатто съезд дабомида ҳам уларнинг ҳаммасини жуда яхши ҳис этдик ва бир қанча ташвишли пайтларни бошдан кечирдик. Бу ерда кўп нарса ташвиш уйғотади. Бу масалаларни ҳар томонлама, комплекс тарзда, дадил ва айни вақтда бўдоблик, ҳурмат билан ҳал этиш зарур. Аммо бу нарса баъзи группаларнинг бу муаммоларни, миллатлараро масалаларни ахлоққа, қонунларга хилоф равишда, баъзан анархия йўлига ўтиб олиб, жиноий усуллар билан ҳал этиш, «тартибга солиш» учун қилаётган уринишларига муросасозлик билан қарамаслигимизни тақозо этади, ўртоқлар. Миллатлараро ишлардагина эмас, бутун турмушимизда ҳам бу усул мақбул эмас. Биз демократия, ошкоралик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, мулоқот орқали амалий йўлдан боришимиз керак.

СССР Олий Советининг Раиси сифатида сизларга, азиз халқ депутатлари бўлган ўртоқларга, мамлакатимизнинг барча гражданларига мурожаат этаман: келинглар, мана шу жуда муҳим масалаларни ҳал этиш чоғида донолик, масъулият, вазминлик кўрсатиб, олисни кўзлаб иш тутайлик. **(Қарсаклар).**

Ўз халқларимизнинг, ўз фарзандларимиз, набира ва абираларимизнинг келажаги тўғрисидаги ғамхўрликдан кўра бир дақиқалик ҳис-ҳаяжон учқунлари устун бўлиб чиқишига йўл қўймайлик. Инсоний муносабатларнинг мана шу муҳим ва ҳозир ўткир бўлиб турган соҳасида йиғилиб қолган муаммоларни ақл-идрок ва қонун заминида, такрор айтаманки, кенг мулоқот асосидагина ҳал қилайлик. Ақл-идрок далилларига, ҳуқуқ нормаларига қулоқ солмаганларга нисбатан эса қонунни қатъий ва кескин қўлланмоқ керак.

Депутатларнинг нутқларида марказ билан республика ўртасидаги муносабатларнинг федерациямиз учун принципиал масалалари ўртага қўйилди. Мунозара натижасида назаримда, икки позиция юзасидан иноқлик борлигини қайд этса бўлади. Биринчидан, кўп миллатли социалистик давлат бўлмиш Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини мустаҳкамлаш ҳаётий заруратдир, шу давлат доирасида унда яшовчи барча халқларнинг эркин ривожланиши таъминланади. Иккинчи жиҳати шуки, Совет федерациясини амалий мазмун билан тўлдириш, иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини, автономияларнинг кенг мустақиллигини, миллатидан қатъий назар инсоннинг тенг ҳуқуқларини амалий мазмун билан тўлдириш зарур. **(Қарсаклар).**

Мунозараларда ҳуқуқ-тартибот ва интизом масалалари ўткир қилиб қўйилди. Интизом ва ички интизом бўлмаса, юксак масъулият туйғуси бўлмаса, қайта қуриш, демократия бўлмайди. Ривожланган гражданлик туйғуси ҳамма жойда ва ҳамма замонларда демократиянинг таянчларидан бири бўлиб келган, бу туйғу ўз ҳаракатларини назорат қилиш, ўзи ва жамият олдида ўз ҳаракатлари учун жавоб бериш маҳорати ва тайёрлигидан ажралмасдир.

Кейинги йилларда жамоатчилик мамлакатни ларзага келтирган бир неча кишининг ёстиғини қуритган не-не фожиаларнинг шоҳиди бўлди. Кимнингдир энг оддий пала-партишлиги, ўзининг бевосита вазифаларига жиноятқорона менсимай қараши бу фожиаларга сабаб бўлди. Чернобилда ва «Адмирал Нахимов» воқеасида, Свердловск ва Арзамасда, Олмаота яқинида ва бошқа жойларда шундай бўлди. Жанубий Уралда поездлар билан боғлиқ бўлган фожиа ҳам шу сабабли содир бўлди. Ўртоқлар, энг даҳшатли мисолларнигина айтиб беряпман, биз кўникиб кетган яна қанчадан-қанча воқеалар бор. Ҳолбуки, ҳар бир фалокатда иқтисодий зарар билан бирга одамларнинг жони кетмоқда. Бизга қаттиқ ишлаб чиқариш технология интизоми керак, масъулиятсизликдан халос бўлишимиз лозим. Биз, жамиятда онгли интизомни ҳосил қилишимиз керак. Съезд ва унинг ҳамма органлари диққат-эътибори шу муҳим масалага доимо қаратилиши лозим, деб ҳисоблайман. Халқнинг кайфияти мана шундай. Мен Ўртоқ Рижков билан Бошқирдистонга ва Челябинск областига сўнгги марта борганимда шуни ҳис этдим.

Жиноятчилик муаммоси демократиянинг ҳаётийлиги, интизом ва ички интизом билан чамбарчас боғланган. Жиноятчилик кучайиб бораётганлиги совет кишиларини ҳақли равишда ғазаблантирмоқда. Зотан, биз ҳаммамиз, айниқса жойлардаги ўртоқлар шу оғир дардга қарши курашда бутун куч-ғайратни ишга солишимиз керак. Айниқса жамиятимизнинг негизларига дағдаға қилаётган ташкилий жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш лозим. Ҳукумат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бу масала юзасидан узилкесил чора-тадбирларни кўришга мажбурдирлар. Съезднинг фикри, мана шу. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Биз ривожланишнинг боши берк кўчага кириб қолинадиган нусхаси такрорланишини истамасак, кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарурлиги қайта қуриш истиқболларига ҳалал етказмаслиги керак, албатта. Ҳозирги шошилинч қарорлар келажакка ўтиладиган кўприк бўлиб, қайта қуришнинг олға бориши, бундан буёнги ўзгартишларнинг муваффақияти учун бир майдон бўлиб хизмат қилиши керак. Мен Ўртоқ Шмелевнинг нутқини мароқ билан тингладим, бироқ биз эртага нима қилишимиз кераклиги уни қизиқтирмаслиги тўғрисидаги иборага қўшилмайман. Бу мавзуни осонгина бир чеккага суриб қўйгани яхши бўлмади, деб ўйлайман. Фақат яқин марраларни кўзлайдиган, ҳозирги кун билан келажакни бир бутун қилиб бирлаштирмайдиган сиёсат мукаммал бўлмайди.

Марксизм классикларининг ибораси билан айтганда, сиёсат — буюк мақсадларни назардан ҳеч қачон қочирмайдиган тактикадир. Бу — жиддий масала, ўртоқлар. Социализм фанга айланган пайтдан буён у билан фан каби муносабатда бўлишларини талаб қилади. Ленин шундай деган эди. Ўткир публицистик иборалар ва назмий мажозлар гарчи баъзан қизиқарли бўлса ҳам, бу ўринда ёрдам бера олмайди. Жиддий илмий таҳлил керак, партия ҳам социализм назарияси олдида пайдо бўлган янги муаммоларни ҳал этар экан, мана шундай таҳлил билан шуғулланмоқда.

Биз ўзимиз яшаб турган жамиятни, нимани қурдигу, нимани қайта қураётганимизни идрок қилар эканмиз, илмий изланишлар, мунозараларни тобора зўр суръат билан олиб боришимиз керак. Ниҳоят, қайта қуришнинг социал мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат? Биз социализмни революцион тарзда янгилашнинг янги марраларини қандай тасаввур этамиз?

Биз одатга кўра узоқ вақт биз барпо этган жамият — эҳтимол тутилган ижтимоий тузумлар орасида энг яхшиси эканлигига асосланиб келдик. Бу хулоса бирдан-бир социалистик модель тўғрисидаги тасаввурдан — бир мамлакатда социализм қурилганлиги факти туфайли юзага келган тасаввурдан келиб чиқар эди. Бундай эмаслигини ҳозир биламиз. Социалистик ривожланиш йўллари хилма-хиллигини амалда ҳам кўрдик ва назарияда идрок этдик. Ўзбошимчалик ва бедодлик ҳақида гапирмаганда ҳам социалистик ғоянинг моҳиятидан чекиниш, уни догматизм билан, ҳаётий қобилиятга эга бўлмаган хаёлий схемалар билан сохталаштиришнинг ҳақиқий хавфини тушуниб олдик.

Аммо биз бошқа нарсани ҳам кўриб турибмиз. Социализм ғояси замиридаги битмас-туганмас бойликларни, инсонга хизмат қилишдан иборат инсонпарварлик ғоялари билан бирлашган амалий ечимларнинг хилма-хиллиги асосидагина аниқланиши мумкин бўлган бойликларни кўриб турибмиз. Мен социализмнинг имкониятлари чексизлигига ишонаман. Биз ҳозирги турмуш ўртага қўйган саволларга жавобларни тузумимиз доирасида, демократиялаш ва ошкоралик, барча мавжуд муаммоларни кенг муҳокама қилиш йўлида излашимиз керак, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).**

Биз ўзимиз кўзлаётган жамият шаклларининг бутун бойлигини ҳали билмаймиз. Аммо бу шакллар практикадан, билимнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажагидан, инсон маданиятининг барча бойликларини ўзлаштирмай олиш асосида албатта юзага келишини биламиз. Марк сизм ҳеч қачон дунёда рўй бераётган жараёнлардан четда турган эмас, у инсоният маданияти тараққиётининг бир чеккасида эмас, балки турмушнинг катта йўлида вужудга келган.

Янги жамият ҳар жиҳатдан ва ўзининг ҳамма кўринишларида инсонга хизмат қилишга мўлжалланганини ҳам биламиз. У оммаминг ҳаваскорлиги билан таркиб топади ва ривожланаверади, оммаминг ижоди туфайли юзага келади ва унга кенг уфқ очиб беради. Социализм замирида жуда катта кучлар ёшириниб ётибди, биз демократия ва ошкоралик, ижтимоий муносабатларни инсонпарварлаштириш, умумбашарий қадриятларни, аҳлоқийлик ва адолатнинг оддий нормаларини, шахснинг социал ва ҳуқуқий ҳимояланишини эътироф этиш негизида шу кучларни рўёбга чиқаришимиз зарур.

Иқтисодий усулларга, ижтимоий мулкчилик шаклларининг хилма-хиллигига таянувчи самарали ва жўшқин экономика асосида, профессионализм, билимдонлик, ҳалол меҳнат, интизом ва ички интизом асосида шундай қилишимиз керак, албатта. Бинобарин, энг кенг маънодаги маданият асосида шундай қилишимиз лозим, ўртоқлар.

Моҳият эътибори билан бу жамиятнинг маънавияти муаммосидир. Съездда гарчи уничалик кўп бўлмаса ҳам бу ҳақда гапириб ўтилди. Социализм ўз табиатига кўра, нима иш билан шуғулланмасинлар, қайси социал группага мансуб бўлмасинлар маънавий бой, чинакам зиёли кишиларнинг жамияти бўлиши керак. Биз маънавий муаммоларга беиҳоя сезгир ва эътиборли бўлишимиз лозим, акс ҳолда жамиятни янгилашни уддалай олмаймиз, ўртоқлар. Зеро, қайта қуришнинг ҳал қилувчи кучи, ҳаракатлантирувчи асосий қаҳрамони — инсондир. **(Қарсаклар).**

Келажакнинг кўпгина нишоналари қайта қуриш чоғида шаклланмоқда. Жамиятнинг ҳақиқий ҳолатини демократик мунозара вазиятида билиб олиш, экономикадаги ва сиёсий соҳадаги янги ёндашувларни ишлаб чиқиш, амалда қайта қуришга асос солиш учун тўрт йил керак бўлди.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичи бизга бераётган натижаларга таяниб, бу ишни чуқурлаштириш лозим, деб ўйлайман. Назаримда бу — КПСС XXVIII съезди арафасида партия ишининг жуда муҳим йўналишидир. Шу маънода СССР халқ депутатларининг биринчи съезди қайта қуриш фойдасига яхши иш қилди, унинг социализмни революцион янгилашдаги катта хизмати ҳам мана шундан иборат. **(Қарсаклар).**

Депутат ўртоқлар! Энг аввало ислоҳот ўтказиш чоғида сусткашликка йўл қўйилганлиги учун ўз шаниммга, сиёсий раҳбарият шанига айтилган танқидни қабул қиламан. Биз кўп жиҳатдан кечикиб қолавердик, бу эса ўзгартириш жараёнларига жиддий таъсир қилди. Агар Марказий Комитет ҳам партия съездининг, ҳам XIX партия конференциясининг йўл йўриқларини бажаришга кўпроқ талабчанлик қилганида камчиликлар ва хатолар камроқ юз берган бўлур эди, деб ўйлайман.

Бу тўла равишда СССР ҳукуматига ҳам тааллуқлидир. Ҳукуматнинг энг катта камчиликларидан бири — бошқаришнинг умри тугаган структурасини тугатишдаги сусткашлик, долзарб масалаларни (уларнинг кўпларини сурункали тус олди) бизни кўп марта чув туширган эски усуллар билан ҳал қилинишдан иборат. Бир қанча муаммоларга ёндашувда тегишли принципиаллик, ички ҳаётнинг у ёки бу долзарб муаммоларига ўз вақтида эътибор бериш етишмади.

Ҳозир биз қайта қуриш анчагина узоқ муддат давом этадиган иш эканлигини яхшироқ англаб олдик. Қайта қуриш социализмни ривожлантиришда тарихий ўтиш давридир. Биз босқичлардан сакраб ўтишнинг, энг олижаноб сабаблар билан ҳам сабрсизлик билан боғлиқ ҳолда реалликдан ажралиб қолишига қарши эканлигимизни яна бир бор таъкидлаш зарур. Аммо биз «аста-секинчиликка», обломовча иш тутишга, қайта қуришни атайлаб ёки беихтиёр тўхтатишга қарши курашимиз, курашганда ҳам қатъий курашишимиз лозим. Пировард натижада ҳар икки жиҳат — консерватизм ҳам сўллик ҳам бир-бирига қўшилиб кетади. Ана шу жиҳатлар сиёсий фаолиятга асос қилиб олинадиган бўлса натижа бир хил бўлади — қайта қуришга ўнглаб бўлмайдиган даражада зарба урилади.

Мен шиддатли, айни пайтда пухта ўйлаб кўрилган реалистик сиёсат тарафдорман. КПСС ана шундай сиёсатни тавсия этмоқда. У хато қилмасликни ҳам, мутлақ ҳақиқатни ҳам даъво қилмайди, аксинча бутун жамиятни, барча интеллектуал кучларни уни бойитишга таклиф қилади. Биз ҳар бир қадамимизни ўзини ўзи танқид руҳида таҳлил қилишимиз лозим.

Қайта қуриш танқиддан ҳоли зона бўлмаган ва бўлмайди ҳам, шунинг учун ҳам у қайта қуришдир. Лекин қайта қуриш сабоқларини юз хотирсиз таҳлил этар эканмиз, бургага ачиқ қилиб кўрпани қуйдирма деган яхши матални унутмаслик керак. Келинглар, ўртоқлар реалист ҳамда ўз олдимизда ва халқимиз олдида ҳалол бўлайлик, агар Марказий Комитетнинг апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди, XIX конференция бўлмаганида съездимизнинг ўзи бўлармиди. **(Қарсаклар).** Съездда қарашлар, мулоҳазалар ва таклифлар нақадар хилма-хил бўлмасин, ярги, албатта, холис позицияда туриладиган бўлса, буни кўрмаслик ва тушунмаслик мумкин эмас. Бу ерда нохолис позициялларда туришлар ҳам бўлди.

Қайта қуришнинг аниқ-равшан натижаларидан бири шуки, биз кўп йил давом этган маъмуриятчилик — буйруқбозлик системасининг эзилмидан сўнг нормал, ошкора сиёсий ҳаётга етиб келдик. Мен асосан нормал сиёсий ҳаётга келдик, деган бўлардим. Бу қийинчилик билан эришилган ютуқ. Ана шу ютуқни сақлаб қолмасак, қайта қуришни нобуд қилган, уни бўғиб қўйган бўлардик.

Ўртоқлар, сизларга бир нарса ҳақида гапирмоқчиман. Съездимизда чортанг бахслар бўлди. Яна бир-бирига қарама-қарши фикрлар айтилди. Бу қайта қуришнинг амалий асосларини мустаҳкамлайдиган табиий ҳодисадир. Аммо чамаси бошқа кўпгина депутатлар сингари мен ҳам барча танқидий мулоҳазаларга сўзсиз қўшила олмайман. Айниқса ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган, алоҳида олинган у ёки бу сабаб, ҳодиса ёки турмуш жиҳатлари мутлақлаштирилса, бунга қўшилмайман. Бундай ёндашув бизнинг қарашларимизни ўзгартириб юборишга қодирдир, бизнинг баҳоларимиз ва хулосаларимизга салбий таъсир ўтказиб, шу тариқа янги хатоларни келтириб чиқаради, деб ўйлайман.

Дастлабки кунларданоқ бу ерда аппарат шанига кескин, жуда қаттиқ гаплар айтилди. Бюрократизмни, штатларнинг кўпайтириб юборилганини, ношуд ва уқувсиз ходимларни ҳимоя қилмоқчи эмасман.

Шугина эмас, биз бюрократизмга қарши тегишлича қатъият билан курашяпмиз, қайта қуришнинг ўзи тақозо этаётган кадрлар масаласини секин ҳал этмоқдамиз, деб ўйлайман. **(Қарсаклар).** Лекин ишончим комилки, буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасини синдиришни аппаратга қарши курашга қиёслаш мумкин эмас. Агар биз умуман аппаратга қарши қаратилган кампания билан чекланиб қоладиган бўлсак, бюрократизмни бартараф этиш бизга муваффақият келтирмайди. Биз, ўртоқлар, марказда ва жойларда бошқарувнинг малакали, билимдон, яхши созланган аппаратига эга бўлмасак ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Умуман аппаратни танқид қилаётганлар ҳам ўзлари умуман янги аппаратга кириб олишга тайёрланмоқдалар. **(Қарсаклар).** Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ деб ўйлайман. Келинглар, тўғрисини айта қолайлик, бизга янги аппарат керак. Мана бу фикрга мен қўшиламан. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ҳаммани ҳаяжонга солаётган яна бир масалага тўхталиб ўтаман. Бу масала мени ҳам ҳаяжонга соляпти. Тарихий сабабларга, оғир тажрибага кўра биз ҳокимиятнинг бир раҳбар қўлида ҳаддан зиёд тўпланиб қолиши тўғрисидаги масалага айниқса эҳтиёткорлик билан қараймиз. Бундай гап шу ерда, съездда ҳам айтилди. Агар масала шу тарзда қўйилган экан, унга ўз муносабатимни очиқ-ойдин айтишим зарур, деб ўйлайман.

Очиқ-ойдин айтилмаган бўлса ҳам, гўё мен бутун ҳокимиятни ўз қўлимга олишга уринаётганим ҳақида қилинган шаъмаларни мен коммунист сифатида қатъий рад этаман. Бу менинг қарашларимга, дунёқарашимга, ҳатто характеримга ҳам ётдир. Апрель Пленумида шундай бўлсин, деб янги сиёсат томон кескин бурилиш қилмаганмиз. Партия ва халқ шундай бўлиши учун деб демократиялаш, ошкоралик, жамиятни, ижтимоий ҳаётни мусаффо қилиш ва янгилашдек қийин ишни авж олдириб юборган эмас.

Бош секретарь, Олий Советнинг Раиси сифатида менда қайта қуриш, демократиялаш ва ошкораликдан бошқа сиёсат йўқ, бинобарин съездга, меҳнаткашларга, бутун халққа яна бир бор айтаманки, мен ана шу сиёсатга оғишмай амал қиламан, чунки шу сиёсат негизида биз жамиятни жипслаштириб олга томон ҳаракат қила оламиз. Буни мен ўз ҳаётим ва ўз ишимнинг мазмуни деб биламан. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Маркс билан Ленин революцион партия ўз фаолиятига танқидий муносабатда бўлиши шарт, деб ҳисоблар эдилар. Менимча, партиямиз ва жамиятимизда бу ҳаёт нормасига айланмоқда, дея оламан. Аммо шу муносабат билан ҳам мен коммунист сифатида партияга ҳужумларни қатъиян рад этаман. **(Қарсаклар).** Ҳамма нарса тўла равшан бўлиши учун такрорлайман. Масала шундай тарзда қўйилиши керак деб ҳисоблайман: партия халққа хизмат қилади. Бу энг муҳими. Партия сиёсат учун жавоб беради, бинобарин, партия халқ танқидидан ва баҳосидан ҳоли бўлолмайди. **(Қарсаклар).**

Аммо КПССга ҳужум тўғрисида гап бораётганда, бутунлай бошқа нарса. Партия тарихида турли саҳифалар, шу жумладан фожиали саҳифалар бўлган, албатта. Партиямиз йўл қўйилган хатолар тўғрисида ҳаллоллик билан айтди. Партия бу хатолар учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Қайта қуришнинг, жамиятни тубдан янгилашнинг ташаббускори бўлиб чиқди.

Ишончим комилки, 20 миллион нафар коммунист, Марказий Комитет даврининг қийин вазифаларини уддалай оладиган даражада, совет жамиятининг сиёсий авангарди ролини бундан буён ҳам бажарадиган ҳолатда эканлигини қайта қуриш билан исботлай олади. **(Қарсаклар).**

Ҳа, умуман жамият каби партия ҳам ўзини қайта қуриши лозим. Марказий Комитетнинг Бош секретари сифатида депутатларга шуни айтмоқчиманки, Сиёсий бюро XXVII съезднинг, XIX партия конференциясининг жамиятни қайта қуриш йўлини қатъий ўтказиш ниятидадир. КПССнинг XXVIII съездига тайёргарлик чоғида ҳам жуда катта ишларни қилишга тўғри келади, деб ўйлайман. Лекин шуниси ҳам тўғрики, партия баъзан жамиятда амалга оширилаётган айрим жараёнлардан орқада қолмоқда. Агар партия жамиятнинг сиёсий авангарди бўлиши, бу вазифани бундан буён ҳам бажаришни истаса (жамият эса ана шу авангард кучга, программа мақсадларни белгилаб берувчи кучга муҳтождир), у ҳолда партия жамиятга нисбатан ўзини тезроқ қайта қуриб олиши керак. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бу ерда Марказий Комитет ва Сиёсий бюрога оид ташвишли гаплар айтилди. Сизларга шуни айтмоқчиманки, Марказий Комитет мен Сиёсий бюронинг позициясини таърифлаб айтган ўша позицияда турибди. Сизларни ишонтириб айтаманки, бу ерда ҳеч қандай тўнтариш ёки шунга ўхшаш бирор хавф йўқ. Мен буни қатъий айтаман. **(Қарсаклар).** Айниқса шу ерда, ҳокимиятнинг олий органида ҳар қандай мишмишларга хотима берайлик. Кўпинча атайлаб тўқиб чиқарилаётган ҳар хил сафсаталарга асосланмайлик. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар, олдимизда кўламлари ва янгилиги жиҳатдан мислсиз муҳим вазифа — янгиланиб бораётган Совет ҳокимияти кучғайратларини ва янгиланган партиянинг сиёсий ишини социалистик ижтимоий тузум замиридаги улкан потенциал тўла рўёбга чиқиши учун уйғун равишда бирлаштириш вазифаси турибди.

Ҳа, биз мураккаб вазиятда турибмиз, лекин қоронғулик ва зулматда эмасмиз. Мен буни очиқ айтмоқчиман. Ҳатто шу залда ўтирган баъзи бировлар ўйлаганча, қоронғиликда ҳам, зулматда ҳам эмасмиз. Бизнинг аниқ-равшан сиёсатимиз бор. Партия сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни жамиятга тавсия этиб, социализмни янгилашдек тарихий вазифасини бажара олади. Ишончим комилки, халқ ҳокимияти принципларига асосида қайта тикланаётган Советлар системаси қайта қуриш вазифаларини амалга оширишга ўзининг ҳал қилувчи ҳиссасини қўшади.

Кўпгина ўртоқлар эътибор берган бўлсалар керак, съездда ташқи сиёсат тўғрисида ҳам гапирилди. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида ҳақиқатан ҳам биз катта натижаларга эришдик, бу натижаларни халқимиз, ҳам, бутун дунё жамоатчилиги ҳам қутламоқда, деган фикрлар айтилди. Булар фақат Совет Иттифоқи образинигина эмас, жаҳондаги вазиятни ҳам кўп жиҳатдан ўзгартириб юборган натижалардир. Ҳақиқатан ҳам ана шундай.

Ташқи сиёсат соҳасида қилинган ишлар — булар тушунчалар, концепциялар ва ҳатто доктриналарни алмаштиришнинг натижаси эмас. Бизга қолдирилган меросдан жуда эски, зарарли, яроқсиз нарсалар улоқтириб ташланди, аммо бошқа халқларга ҳам, шунингдек бизга ҳам ҳеч ким дунё ишларидаги ижобий ўзгаришларни совға қилмайди. Йўқ, ўртоқлар, янги янада маданиятли дунё сари йўлдаги ҳар бир қадамни қийинчилик билан, ташқи кўринишидан унчалик сезилмайдиган кураш билан қўйишга тўғри келмоқда.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Халқаро ишларда ижобий силжишлар муқаррар тус олиши учун фактларни ва фақат фактларни ҳисобга оладиган шериклар билан гаплашаётганлигимизни ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Биз билан бирга яхшиликка яшаш кераклигига, шунингдек биз ҳам барча яқин ва узоқ қўшнилар билан яшашни истаётганлигимизга уларни ишонтира оладиган, умид қиламанки, узоқ муддатга ишонтира оладиган фактларни биз ҳам мунтазам кўрсатиб боришимиз лозим. **(Қарсаклар).**

Хуллас, ўртоқлар, халқ депутатларига хос босиқлик билан давлат манфаатларини кўзлаб баҳо берадиган бўлсак, биз қийин, аммо ҳар ҳолда аниқ-равшан йўл олдида турибмиз.

Ўртоқлар, ҳокимият — Советларга дейиш — демократик ташкилотларни, халқ ҳокимиятининг ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай вазиятда ишлай оладиган пухта, самарали системасини барпо этиш демакдир.

Ерни деҳқонларга қайтармай туриб, бутун ҳокимият Советлар қўлида бўлишига эришиб бўлмайди.

Ҳар биримиз ўзимизни яхлит жамият ва табиатнинг, соғлиқни сақлаш ва маорифнинг, фаровонлик ва равнақнинг бир қисми эканлигимизни ҳис этмасак, ҳокимият Советлар қўлида бўлолмайди.

Халқ ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа ҳар қандай шаклидан юксакроқ самарадор эканлигини кўрсатмаса, қарор топмайди.

Сиёсатда кўп нарсани ўзлаштиришимиз ва кўп нарсага қўниқишимиз лозимлигини ана шундан келиб чиқади.

Ўтган съезд бизни кўп нарсага ўргатди. Шубҳасиз, ҳаммамиз ундан зарур хулосалар чиқариб оламиз, тагин ҳам заковатли бўлиб тарқаламиз. Шуниси ҳам шубҳасизки, навбатдаги съездга пухтароқ тайёргарлик билан келамиз.

Хуллас, ҳаммамиз совет халқ ҳокимияти мактабини биргаликда ўташимиз керак бўлади. Биз уни ўзлаштиришимизга ишончим комил.

Ҳар бир депутатнинг кучғайратларини, ишларини бирлаштириб, халқимиз, умумий Ватанимиз зиммамизга юклаган вазифаларни уддалай оламиз, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Давомли қарсаклар).**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

10 июнь куни Москвада, СССР Олий Советининг Мажлислар залида СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Иттифоқ Совети мажлисида палата Раиси **Е. М. Примаков** раислик қилди.

Мажлис кун тартибига кўра, Иттифоқ Совети Раисининг икки ўринбосари ва тўртта комиссиянинг раислари сайланиши керак.

Қўқчатов область Қизилту район касалхонаси терапия бўлимининг мудираси депутат Б. С. Искаковани Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Б. С. Искакова депутатларнинг саволларига жавоб беради.

Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари лавозимига номзодни ва айрим иш тартиби масалаларини муҳокама қилишда депутатлардан **А. А. Собчак, В. И. Дикуль, В. Д. Юдин, Р. А. Медведев, Ю. И. Бородин, В. А. Шаповаленко, В. И. Семуха, Н. Н. Прибилова, А. В. Милкин** ва бошқалар иштирок этдилар.

Депутатларнинг таклифига кўра яна бир номзод — Литва ССР Министрлар Совети ҳузуридаги халқ хўжалиги раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш институтининг ректори, депутат К. П. Прунскене номзоди кўрсатилди.

Сўзга чиққан **К. П. Прунскене** муҳокама этилаётган масала хусусида ўз нуқтаи назарини баён этди.

Кўпчилик овоз билан Б. С. Искакова Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Грузия ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси ва СССР Архитекторлар союзи правлениесининг секретари, депутат Н. М. Мгалоблишвилини Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади. **Е. М. Примаков** депутатни таърифлаб, унинг фаоллигини, принципиал ҳаётий позициясини, ўз фикрини ҳимоя этиш уқувини таъкидлади.

Минбарга депутат **Н. М. Мгалоблишвили** чиқади. У бўлажак иш характери хусусида ўз фикрини баён этди, депутатларнинг саволларига жавоб берди.

Н. М. Мгалоблишвилининг номзодини муҳокама қилишда депутатлардан **Ф. М. Бурлацкий, О. М. Савостюк, С. Ф. Ахромеев, Ю. Н. Шчербак, Н. С. Сазонов** ва бошқалар қатнашдилар.

Н. М. Мгалоблишвили номзоди юзасидан мунозара чоғида бир қанча депутатлар 9 апрель куни Тбилиси шаҳрида рўй берган воқеаларга яна мурожаат қилдилар. Шу муносабат билан **А. И. Лукьянов** Тбилиси шаҳридаги воқеалар билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаш учун съездда тузилган депутатлар комиссияси ишни тугалламагунча бу масалаларни кўтармаслик тўғрисида умумий аҳдлашув борлигини депутатларга эслатиб ўтди.

Овоз бериш натижасида Н. М. Мгалоблишвили номзоди рад этилди.

Иттифоқ Совети Раисининг иккинчи ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги масала келгуси мажлисга қолдирилади.

Палатанинг тўртта доимий комиссияси раисларини сайлаш тўғрисидаги масала депутатлар муҳокамасига қўйилади.

Раислик қилувчи халқ депутатлари Донецк область Совети ижроия комитетининг раиси депутат В. Г. Кучеренкони план ва бюджет-молия раиси қилиб сайлашни таклиф этади.

Депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш учун **В. Г. Кучеренко**га сўз берилади.

Депутатлардан **Л. Е. Близнов, А. М. Емельянов, А. И. Чабанов** ва бошқалар муҳокама қилинаётган номзодга оид фикр билдирдилар.

В. Г. Кучеренко кўпчилик овоз билан Иттифоқ Совети план ва бюджет-молия комиссиясининг раиси этиб сайланади.

Москва областидаги «Криогенмаш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори депутат В. Е. Курташинни саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиянинг раиси қилиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади.

В. Е. Курташин депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш учун минбарга таклиф этилади.

Депутатлар В. Е. Курташинни муҳокама этмасдан, бир овоздан Иттифоқ Советининг саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлант

Н. И. РИЖКОВнинг якунловчи нутқи

Муҳтарам халқ депутатлари!

Съездда авж олиб кетган мунозаралар чоғида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига, жумладан ҳукумат бўлажак фаолиятининг программасига холисона баҳо берилди, назаримизда, бу мунозаралар ниҳоятда самарали бўлди. Биз халқ хўжалиги тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳам, истиқболда ҳам экономикадаги иш аҳволини ўнглаб олиш юзасидан бундан буён тадбирлар ишлаб чиқиш учун яхши негизга эга бўлдик.

Ана шу минбардан туриб, халқ депутатларининг ҳукумат билан мулоқоти ва съезд чоғидаги муомала кўп жиҳатдан жуда ибратлидир, албатта. Бу бир қарашда ғалатироқ туюлсада, муаммоларга юқоридан, марказдангина эмас, бевосита халқ назаридан нигоҳ ташлаш имкониятини беради.

Афсуски, вақт тиғиз бўлгани туфайли мен турли муаммоларни муҳокама қилиш учун кўпгина депутатлар билан учраша олмадим, Аммо, аминманки, бундан буён ана шундай имконият albatta бўлади. Бундай фикралмашувни давом эттириш керак. У катта наф беради.

Ҳойнаҳой, ўтган куни докладда баён этилган назарий ва концептуал қоидаларга яна тўхтаб ўтишимга зарурат бўлмаса керак. Учрашувлар вақтида ана шу минбардан туриб кўтарилган масалалардан ташқари халқ депутатларидан жуда кўп сўровлар, мактублар, ёзма саволлар тушди, шунинг учун даҳол шулар хусусида гапирмоқчиман. Буларнинг кўпчилигида муаммолар ҳар хил даражада қайтарилиб турибди, албатта ва ҳойнаҳой ҳозир уларнинг ҳар бирига конкрет жавоб бериш имконияти бўлмаса керак. Шу билан бир қаторда мен бир қанча принципиал қоидаларни ифодалаб беришни ва улар хусусида ўз мулоҳазаларимни айтишни истар эдим.

Аммо, бундан аввал, мамлакатнинг айрим регионлари экономикасининг таққиёти, у ёки бу социал муаммоларни ҳал этиш, ресурслар, техника, капитал маблағларни ажратиш, ишлаб чиқаришни, қурилишни ривожлантириш ёки аксинча бир қанча объектларни тўхтатиб қўйишга оид айрим масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман. Буларнинг ҳаммаси, истисносиз, синчковлик билан кўриб чиқилади. Бу масалаларнинг кўпчилиги хусусида ҳозирнинг ўзидаёқ топшириқлар берилди. Ҳукумат министрликлар ва идоралар олдига ижобий ечимларни имкони борича топиш талабини қўйди.

Яна шуни ҳам айтишим зарурки, кўпгина масалалар химия заводлари ва цехлари қурилишини, Қрим, Жанубий Украина, Ростов, Татаристон атом электростанциялари сингари объектлар бунёд этишни, шунингдек иссиқлик билан таъминлайдиган бир қанча атом станциялари бунёд этишни тўхтатишга тааллуқлидир. Мен Олий Совет мажлисида умуман мамлакат энергетикасидаги аҳвол тўғрисида гапирган эдим. Бу аҳвол фавқулодда жиддий бўлиб, очиғини айтганда, бизни таҳликага солиши лозим. Чунки мамлакат жуда оғир энергетика аҳволига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам айрим станцияларни бунёд этишга тааллуқли масалалар юзасидан ҳозир мутахассисларнинг нуфузли группалари ишламоқда ва узил-кесил хулосалар ишлаб чиқишишига қараб, тегишли қарорлар ҳай депутатларига, шунингдек кенг жамоатчиликка етказилади.

Умуман, энергетикани ривожлантириш муаммоси юзасидан СССР Министрлар Совети энергетика программасига аниқликлар киритади ва мазкур программа СССР Олий Советига тақдим этилади.

Энди мен одамларнинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган яна бир қанча масалалар хусусида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Аввало бу экология масаласидир. Докладимда мен айрим умумлашмалар қилдим ва ҳукматнинг позициясини баён этдим. Аммо, ҳарқалай, докладда бу муаммони батафсил баён этиш имконияти бўлмади, чоғи. Депутат Яблоков, мазкур ишлатиб, биз ҳаммамиз жумладан Министрлар Советининг Раисининг ҳам «ранги қув ўчиб» кетиши керак, деган экан, мен бунга қўшиламан **(Қарсаклар)**. Фикримча, бу ерда мамлакатда табиатни муҳофаза этиш ишини бошқаришнинг янги ташкилий формалари хусусида айтилган таклифлар жуда жиддий диққат-эътиборга моликдир. Ҳукуматда СССР Табиатни муҳофаза этиш давлат комитети тузилиши ва у жуда кучли бўлиши лозим, албатта, мазкур комитет шу масалалар билан шуғулланиши шарт. Аммо, Олий Советда худди шундай кучли комитет ёки комиссия бўлиш зарурлиги ҳам шубҳасиздир. Худди ана шундай негиздагина биз экологик муаммоларни ҳал этиш чоғида пайдо бўлаётган барча зиддиятларни биргалиқдаги амалий иш давомида кўриб чиқишимиз ва фақат ана шундай негиздагина миридан сиригача синчиклаб текширилган оқилона тадбирларни қабул қилишимиз керак.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш юзасидан белгиланаётган тадбирларни маблағ билан таъминлашга келганда бу уч беш йиллик учун 135 миллиард сўм бўладими ёки кўпроқ бўладими, бу хусусда ҳозир баҳслашиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Бу масалани яна бир карра пухта чамалаб кўриб, тегишли қарор қабул қилишимиз лозим.

Энди, ўртоқлар яна экология билан боғлиқ иккита конкрет саволга жавоб бермоқчиман. Шулардан биринчиси. Анчагина хатлар олганимга ва депутатларнинг нутқлари ва оммавий ахборот воситаларидаги мақолаларга қараганда, бу масала жуда кўпчиликни ташвишлантириб турибди. Мен бу ўринда Тюмень областида газ-химия комплекси қурилишини назарда тутаяпман. Узил-кесил жавоб бериш зарур, чамаси. Биз принципиаллик билан бир масалани ҳал этишимиз керак — мамлакатимизда бундан буён химияни ривожлантирмасдан яшаб, ишлашимиз мумкинми ёки йўқми? Менинг қатъий фикримча, мамлакат химияни ривожлантирмасдан тараққиёт йўлидан олға ҳаракат қила олмайди. Қишлоқ хўжалигида ҳам, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда ҳам, қурилишда ҳам, саноатда ҳам химиясиз тараққиётнинг ҳеч ҳожи йўқ. Химияни ривожлантирмай туриб, биз, ўрмонларни кесиб ташлайверамиз, объектлар бунёд этиш сифатини яхшилай олмаймиз, фан ва техниканинг кўпгина ютуқларидан фойдаланиш тўғрисида реал гапира олмаймиз. Шу боисдан ҳам масала фавқулодда муҳимдир. Бу ўринда бизга тегишли позицияни эгаллашимиз лозим, деб ўйлайман. Бу биринчидан.

Иккинчидан. Айрим олимлар ва мутахассислар, уларнинг фикри ўзгача йўл тарифасида матбуотда бир неча бор эълон қилинган эди. Тюмень областида янги газ-химия корхоналарини қурмасдан, химиявий хом ашёни қайта ишлашни, қайта ишлаганда ҳам мамлакатнинг Европа қисмида газ ва унинг таркибига кирадиган углеводородли элементларни қайта ишлашни таклиф қилдилар.

Шу муносабат билан химия корхоналари кўп жойлашгани туфайли экологик вазият мураккаблашган Волгоград, Дзержинск, Горький, Уфа, Стрелитамак шаҳарлари ва бошқа бир қанча шаҳарлар аҳолисидан бу ерларда янги заводларни қуриш ва мавжудларини кенгайтириш мумкинми, деб сўраш жоиз бўлади. Шундай савол қўйилишининг ўзи нотўғри бўлса керак, деб ҳисоблайман. **(Қарсаклар)**. Мабодо, шу шаҳарлар аҳолиси рози бўлса, мен биринчи бўлиб ана шу муаммони ҳал этиш тарафдори бўлур эдим.

Хўш, нега энди биз газ-химия комплексини худди ана шу Тюмень областида бунёд этиш лозим, деб ҳисоблаётганмиз? Аввало шунинг учунки, 20 йил ичида биз бу ерга жуда кўп маблағ сарфладик, инфраструктура яратдик, янги шаҳарлар қурдик. Аммо шу билан бир қаторда Ғарбий Сибирь ҳозир хом ашё регионидир. Агар таъбир жоиз бўлса, хом ашё вилоятидир. У ерда хом ашёни қайта ишлайдиган корхоналар йўқ. Биз қазиб олаётган газ таркибида 6 процент этан борлиги туфайли ҳам аҳвол нонормалдир. Агар углеводород таркибида бир ярим процент этан бўлса, жаҳонда уни саноат йўли билан қайта ишлаш нормал деб ҳисобланади. Ҳозир биз бу компонентни газ таркибида қолдирмоқдамиз, уни ёқиб юбормоқдамиз ва шундай қилиб, экология муҳитига зарар етказмоқдамиз. Биз табиий газни етказиб бераётган чет эл фирмалари ундан этанни ажратиб олмоқдалар, шу негизда пластмассалар ва бошқа химиявий маҳсулотлар тайёрламоқдалар, кейин эса бизга уч баравар қимматга сотмоқдалар. Хўжаликни шу таҳлитда юритиб бўладими?

Ҳозир Ғарбий Сибирь гулханларида 15 миллиард куб метр газ ёқиб юборилмоқда. Шундай қилиб, ҳавога 10 миллион тонна қурум чиқиб кетмоқда, 30 миллиард куб метр кислород нобуд бўлмоқда.

Моддий ресурсларимизнинг шу қадар талон-тарож қилинишига йўл қўйиб бўладими? Шу боисдан ҳам ҳукумат, айтишим керакки, жойлардаги ташаббусларга таяниб, шу ернинг ўзида табиий газни қайта ишлашга имкон берадиган корхоналарни бунёд этиш масаласи хусусида бош қотира бошлади. Программа 15 йилга мўлжалланган. Келгуси беш йилликда Тобольск шаҳридаги мавжуд заводни кенгайтириш ва Сургутда янги корхона қуриш мўлжалланмоқда. Мамлакатимизнинг шунгагина қурби етади. Чунки ихтиёримизда етарлича молиявий ресурслар йўқ. Энг асосийси эса, ихтиёримизда ҳали экологик жиҳатдан тоза бўлган зарур технологиялар ҳам йўқ. Шунинг учун ҳам биз чет эл фирмалари билан музокаралар олиб боришга мажбур бўлдик. Аммо, айни вақтда биз жуда қатъий иқтисодий ва экологик шартлар қўйдик. Шу йилнинг охири ва келгуси йилнинг бошларида ана шу икки лойиҳа бизга тақдим этилганида, ҳалқаро экологик экспертиза тузишимиз ҳам мумкин, шундай қилиб, ана шу лойиҳалар ишлаб чиқаришнинг экологик тозалиги хусусидаги барча талабларга мослиги синчковлик билан текширилади. Бундан ташқари, биз шу ўлкада ўтроқ бўлиб қолган одамларнинг қисмати ҳақида ҳам ўйлашимиз керак, дарвоқе у ерлардаги хом ашё запаслари абадий эмас ва камайиб бораверади.

Мен тўхтаб ўтмоқчи бўлган яна бир масала Катун ГЭСи қурилишига дахлдордир. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларга таяниб, ана шу масалага бизнинг муносабатимиз хусусида ҳукумат шаънига ва шахсан менинг шаънимга эътирозлар айтилди. Шу муносабат билан «Правда» газетасида шу йил 15 март куни эълон қилинган расмий ҳисоботга эътиборни қаратмоқчиман, ўша кезда мен Олтой ўлкасида эдим. Хуллас, шу ҳисоботдан кўчириб олиб гапираяпман: «Рижковга қайта экспертиза ўтказилганидан кейин ер ости сувлари бу ердаги симоб қатламларидан хавфли моддаларни сув омборига оқизиб келади, деган хавфсиралиши СССР Фанлар академияси рад этди, дейишди. Катун дарёси тўсилганидан кейин сув мувозанати бузилади, деган хатар ҳам тасдиқланмади. Тўғон маҳаллий манзарага ҳам хавф солмайди, чунки каньонда аслида ўрмон йўқ. Аммо, ҳукумат бошлиғи, ана шу янги далил-исботларни эътибор билан тингласа-да, ҳарқалай узил-кесил қарорни айтмади. Пухта ҳисоб-китоблар асосида, аҳолининг фикрини инобатга олиб, барча экологик оқибатлар ва иқтисодий самарани ҳисобга олибгина аниқ қарор қабул қилиниши мумкин, деди у». Мен ҳозир ҳам шу нуқтаи назарда турибман.

Анчагина ёзма саволлар, депутатларнинг шахсий мурожаатлари, съезддаги нутқлар давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга тааллуқли эди. Жумладан, ҳукумат иш ҳақининг, меҳнат унумдорлигининг ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши нисбатларини тартибга солиш учун жуда қаттиқ чоралар кўрганлиги, айни вақтда мазкур Қонунни бузганлиги ҳақида гапирилди. Съездга шуни маълум қилишим керакки, СССР Министрлар Совети Қонунни бузгани йўқ. 14-модданинг тўртинчи бандини диққат билан ўқиб чиқинг, бу бандда ана шу хусусда ҳамма гап аниқ-равшан айтилган. Ўртоқ Попов мазкур нисбатни шу тахлитда тартибга солиш сира кўнгилдаги йўл бўлмаганлигини айтди, мен унинг фикрига қўшиламан. Келинг, солиқ солишнинг оқилона системасини қидирайлик. Мен бу ўринда гражданларнинг даромадларига солиқ солишни эмас, балки корхоналар даромадларига, бу даромаднинг иш ҳақи учун кетаётган қисмини ҳам инобатга олиб, солиқ солишни назарда тутмоқдаман. Ҳозирча бизда бундай система йўқ, аммо биз, анча қисқа муддат ичида ана шундай системани яратишимиз керак. Унинг таъсири давлат корхоналарига ҳам, ижара коллективларига ҳам, кооперативларга ҳам ёйилиши керак. Хуллас, биз солиқ солишнинг универсал системасини яратишимиз керак. Ана ўшанда биз ҳозир жорий этишга мажбур бўлган тадбирлар керак бўлмай қолади.

Нарх белгилаш хусусида ҳам жуда кўп саволлар тушди. Бу ҳақда съездда ҳам анча гаплар айтилди. Чакана нархлар хусусида илгари гапирган гапларимни айтсам, ҳойнаҳой, қайтарик бўлар. Мен кўпгина олимлар сўнгги вақтда баён этган позицияни қўллаб-қувватлайман. Таъкидлашим керакки, бу мулоҳазалар айни сўнгги вақтда айтилган. Чунки, уларнинг позицияси аввал батамом бошқача эди. Сиз Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва ҳукуматнинг бу масала тўғрисидаги фикрини биласиз: яқин икки—уч йил ичида чакана нархларни қайта кўриб чиқиш зарурати йўқ.

Аввало, истеъмол бозорини бир қадар мувозанатга келтириш, шундан кейингина бу масалани ҳал этиш керак. Келгуси беш йилликда биз бу ишга қўл урсак керак, деб ўйлайман.

Ва, ниҳоят, улгуржи нархлар ҳақида айтмоқчиман. Дарҳақиқат, ҳозир бу борада бир қанча мураккаб масалалар бор. Биз, съезд ўтиши биланоқ яна бир карра ҳамма нарсани чамалаб кўришимиз ва реал баҳолашимиз лозим. Шуни айтишим керакки, бу муаммолар орасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, жумладан, пахтанинг харид нархига тааллуқли барча масалалар ниҳоятда ўткир бўлиб турибди, пахтанинг харид нархи ҳақида съездда шу кунларда гапирилди.

Шу боисдан ҳам харид нархларига боғлиқ барча масалаларни биз пухта ўйлаб кўришимиз ва узил-кесил қарорлар қабул қилишимиз керак.

Ўртоқлар! Яна бир қанча масалалар хусусида тўхтаб ўтмоқчи эдим. Аммо, бу масалалардан гап очишдан илгари маълумот бериб ўтмоқчиман.

Докладда мен, жумладан, 1990 йилдан бошлабоқ ишчи-пенсионерлар учун, улар олаётган пенсиянинг миқдоридан қатъий назар, меҳнатга ҳақ тўлашдаги барча чеклашларни бекор қилиш таклиф этилаётгани хусусида гапирган эдим. Кўпгина ёзма саволларга жавоб бериб шуни илова қилишим керакки, бу қоида мастерларга ҳам тааллуқлидир. Халқ депутатларининг ўқитувчилар тўғрисидаги сўровлари муносабати билан айтмоқчиманки, бу таклифларни ҳар томонлама ўрганиш керак, токи кейинчалик уларга қайтиш мумкин бўлсин.

Бир қанча депутатлар ўз нутқларида, уларнинг назарида, бажарилиши лозим бўлган беш йиллик топшириқларини қисқартириш, ҳатто бунинг шу йил, шу яқин ойлар ичида рўёбга чиқариш лозим, деб жуда принципиал мавзуни тилга олдилар. Шунга аминманки, биз қолган бир ярим йил ичида илм-фан ва амалиётнинг, жумладан, экономистлар, социологлар, етакчи мутахассисларнинг бутун куч-ғайратини келгуси беш йилликда тўла ишга тушиши лозим бўлган хўжалик юритиш иқтисодий механизмини такомиллаштиришга жамлашимиз лозим. Ана шундай иш учун негиз бор, биз йўл қўйилган хатоларни ҳам, орттирилган тажрибани ҳам ҳисобга олишимиз керак. Ана шу жамики ишлардаги энг асосий вазифа республикаларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказишдир. Аммо бу борада ҳозирги аҳволни ва бугун хўжалик ҳисобининг регионларда амал қилинаётган иқтисодий принципларини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган жуда катта тайёргарлик иши зарур. Бунинг учун эса вақт ва анчагина куч-ғайрат керак. Мабодо биз ҳозир беш йилликка мўлжалланган ҳамма нарсадан воз кечсак, хўжалик юритишнинг, эҳтимолки, мукаммал бўлмаган иқтисодий моделини бузиб ташлашга киришсак, аввало вақтни бой берамиз. Дарвоқе, энг асосий гап шундаки, ҳозир ҳар бир меҳнат коллективи ўз ихтиёрида яхшими—ёмонми нормативлар борлигини билади ва улар асосида шу беш йилликнинг охирига қадар ўзининг барча социал ва ишлаб чиқариш планларини тузиб қўйган. Ҳозир шу нормативларни бузадиган бўлсак, экономикада жиддий бекарорлик юзага келади. Фойдадан кўра зарар кўпроқ бўлади, деб ўйлайман. Бусиз ҳам бизни изчиллик ва сезгирлик кўрсатмасликда айбламоқдалар. Келинглар, буларнинг ҳаммасини мураккаблаштириб юбормайлик.

Сизнинг эътиборингизни қаратмоқчи бўлган яна бир, сўнгги масала бор. Съезд ишлаб турган кезда мен бир қанча хатлар олдим, уларда истеъмол моллари бозоридаги оғир аҳволни эътиборда тутиб, чет эллардан қарз олиш лозим, дейилган. Айрим нутқларда, масалан ўртоқ Шмелевнинг нутқида бозорни мувозанатга солиш мақсадида ташқи иқтисодий қарзнинг кўпайишидан чўчимаслик керак, деб ўқтирилди. Ана шу соҳадаги бизнинг имкониятларимиз хусусида халқ депутатлари тўла, аниқ-равшан тасаввурга эга бўлишларини истайман.

Бундан буён ахборотнинг чет эллардаги манбаларига суянмаслик учун валюта қарздорлигимизга оид айрим маълумотларни айтиб ўтмоқчиман. Ҳозир давлатнинг ташқи қарзи 34 миллиард сўмга етди, эҳтимолки бу ҳақда биринчи бор гапираётгандирман. Илгари бўлганидек, ҳозир ҳам шунга аминманки, қарздорликнинг ортиши муаммосига, айниқса кредит олиш масаласига ниҳоятда вазминлик билан ёндашиш лозим. Биз кўп йиллардан буён қарз эвазига яшамоқдамиз. Мамлакатнинг валюта аҳволи қандай? Мен эркин муомалада бўлган валюта ҳақида гапирмоқдаман.

Масалан, бу йил тахминан, 16 миллиард сўмлик валюта тушади, деб кутилмоқда. Ихтиёримиздаги бор маблағ ана шу. Энди қўйидаги рақамларга эътибор беришингизни илтимос қиламан. Ана шу маблағдан 5 миллиард сўмдан кўпроғи дон ва озиқ-овқат сотиб олишга сарфланади. Биз ана шу харажатларни камайтиришимиз мумкинми? Мажлис аҳлининг кайфиятидан маълум бўляптики, айрим ўртоқлар, камайтириш мумкин деб ҳисобламоқдалар. Аммо, ҳозир қишлоқ хўжалигида рўй берган аҳволни назарда тутсак, бу билан мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат таъминотини кескин ёмонлаштирган бўлур эдик, деб ўйлайман.

Энди валюта харажатлари ҳақида гапирай. Қарийб 2,5 миллиард сўм машина ва янги технологиялар сотиб олишга, 2,6 миллиард сўм химиявий материаллар харидига сарфланмоқда, биз буларни чет эллдан сотиб олишга мажбурмиз. Яна 1,5 миллиард сўм енгил саноат учун хом ашё харжига, қарийб 2 миллиард сўм металл прокати ва махсус қувурлар сотиб олишга сарфланмоқда.

Шундай қилиб, ҳатто оддий ҳисоб-китоб кўрсатиб турибдики, тахминан 2,5 миллиард сўм қолмоқда, ҳолбуки, биз ўзимиз олган кредитларни тўлаш учун, яъни қарзларни процентлари билан тўлаш учун бизга 12 миллиард сўм керак. Демак, яна қарз оламиз. Рўй берган аҳволни яна мураккаблаштириш мумкинми? Бу масалада биз ниҳоятда эҳтиёткор бўлишимиз зарур, деб ўйлайман.

Пировардида, ҳурматли ўртоқлар, яна бир карра шуни таъкидламоқчиманки, мамлакат ҳукумати СССР Олий Совети, халқ депутатлари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда мамлакатимиз барқарор, жўшқин ривожланиш йўлига чиқиб олиши учун барча ишларни қилаверади. Халқнинг ишончи, халқ бугун бизга берган жуда катта мадад бу йўлда бизга суянчиқ бўлади. **(Қарсаклар)**.

КОНСТИТУЦИЯ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бразаускас Альгирдас — Миколас Казе — СССР халқ депутати, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Бунич Павел Григорьевич — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, С. Оржоникидзе номли Москва бошқарув институтининг кафедра мудири.

Бурлацкий Федор Михайлович — СССР халқ депутати, «Литературная газета»нинг сиёсий шарҳловчиси, Москва шаҳри.

Вагрис Ян Янович — СССР халқ депутати, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Везиров Абдулраҳмон Халил ўғли — СССР халқ депутати, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Велихов Евгений Павлович — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Москва шаҳри.

Вилкас Эдуардас Ионо — СССР халқ депутати, Литва ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори.

Власов Александр Владимирович — СССР халқ депутати, РСФСР Министрлар Совети Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат.

Вольский Аркадий Иванович — СССР халқ депутати, Тоғли Қорабоғ автоном областини алоҳида бошқариш комитетининг раиси.

Воротников Виталий Иванович — СССР халқ депутати, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Вяляс Вайно Иосипович — СССР халқ депутати, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Ҳамзатов Расул Ҳамзатович — СССР халқ депутати, ёзувчи, Доғистон АССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси.

Голик Юрий Владимирович — СССР халқ депутати, Кемерово давлат университети юридик факультетининг декани.

Гроссу Семён Кузьмич — СССР халқ депутати, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Грязин Игорь Николаевич — СССР халқ депутати, Эстония ССР Фанлар академияси фалсафа, социология ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири.

Гумбаридзе Гиви Григорьевич — СССР халқ депутати, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Евтюхин Юрий Алексеевич — Кемерово давлат университетининг доценти, юридик фанлари кандидати.

Ельцин Борис Николаевич — СССР халқ депутати, Москва шаҳри.

Залигин Сергей Павлович — СССР халқ депутати, «Новий мир» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари.

Заславская Татьяна Ивановна — СССР халқ депутати, академик, ВЦСПС ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ҳузуридаги социал-иқтисодий масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш Бутуниттифоқ марказининг директори.

Звонов Сергей Николаевич — СССР халқ депутати, Ивановодаги 2-пассажир автотранспорт корхонаси директори.

Исҳоқий Юсуф Баширхонович — СССР халқ депутати, Тожикистон давлат медицина институтининг ректори.

Калмиков Юрий Ҳамзатович — СССР халқ депутати, Д. И. Курский номли Саратов юридик институтининг кафедра мудири.

Керимов Жонгир Али Аббос ўғли — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясининг кафедра мудири, Москва шаҳри.

Қиёмов Нурғазиз Воғизович — СССР халқ депутати, Татаристон АССРдаги Вохитов номли колхоз раиси.

Колбин Геннадий Васильевич — СССР халқ депутати, СССР Халқ контроли комитетининг раиси.

Косигин Владимир Владимирович — СССР халқ депутати, Телевидение ва радиоэшиттириш область комитетининг ўз мухбири, Камчатка области, Коряклар автоном округи.

Крючков Владимир Александрович — СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси.

Крючков Георгий Корнеевич — СССР халқ депутати, Украина Компартияси Одесса область комитетининг биринчи секретари.

Самсонов Александр Сергеевич — СССР халқ депутати, С. М. Киров номли Москва биринчи соатсозлик заводининг директори.

Сахаров Андрей Дмитриевич — СССР халқ депутати, академик, СССР Фанлар академиясининг П. Н. Лебедев номли физика институтининг бош илмий ходими, Москва шаҳри.

Сбитнев Анатолий Митрофанович — СССР халқ депутати, Коммунар металлургия комбинатининг пўлат эритувчиси, Ворошиловград области.

Сергиенко Валерий Иванович — СССР халқ депутати, халқ депутатлари Красноярск ўлка Совети ижроия комитетининг раиси.

Симонов Сергей Борисович — СССР халқ депутати, Уфа моторсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари.

Скудра Виктор Янович — СССР халқ депутати, Латвия ССР юстиция министри.

Слюньков Николай Никитович — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Смоленцев Евгений Алексеевич — СССР Олий судининг раиси.

Собчак Анатолий Александрович — СССР халқ депутати, Ленинград давлат университети юридик факультетининг кафедра мудири.

Соколов Ефрем Евсеевич — СССР халқ депутати, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Сулаймонов Ўлжас Омарович — СССР халқ депутати, ёзувчи, Қозоғистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари.

Сухарев Александр Яковлевич — СССР халқ депутати, СССР Бош прокурори.

Сичев Николай Яковлевич — СССР халқ депутати, Уруш ва меҳнат ветеранлари Москва шаҳар кенгашининг раиси.

Таланчук Петр Михайлович — СССР халқ депутати, Киев политехника институтининг ректори.

Таразевич Георгий Станиславович — СССР халқ депутати, Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Тарнавский Георгий Степанович — СССР халқ депутати, Белоруссия ССР прокурори.

Ткачук Василий Михайлович — СССР халқ депутати, «Прапор коммунизму» колхозининг раиси — «Прут» агрофирмасининг раиси, Иваново—Франковск области, Украина ССР.

Топорнин Борис Николаевич — СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Москва шаҳри.

Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич — СССР халқ депутати, Андижон давлат тиллар педагогика институтининг ректори.

Фокин Витольд Павлович — СССР халқ депутати, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Украина ССР Госпланининг Раиси, Киев шаҳри.

Халлик Клара Семёновна — СССР халқ депутати, Эстония ССР Фанлар академияси фалсафа, социология ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими, Таллинн шаҳри.

Чебриков Виктор Михайлович — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Шалаев Степан Алексеевич — СССР халқ депутати, ВЦСПС раиси.

Шахназаров Георгий Хосроевич — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси, Москва шаҳри.

Шеварднадзе Эдуард Амвросиевич — СССР ташқи ишлар министри, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Шевченко Валентина Семёновна — СССР халқ депутати, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси.

Шинкарук Владимир Илларионович — СССР халқ депутати, Украина ССР Фанлар академияси фалсафа институтининг директори, Киев шаҳри.

Шинкуба Баграт Васильевич — СССР халқ депутати, шоир, Грузия ССР.

Шличите Зита Леоновна — СССР халқ депутати, Клайпеда юридик консультациясининг адвокати, Литва ССР.

Шчербицкий Владимир Васильевич — СССР халқ депутати, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси.

Яковлев Александр Максимович — СССР халқ депутати, СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири, Москва шаҳри.

Яковлев Александр Николаевич — СССР халқ депутати, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари.

Яковлев Вениамин Федорович — Совет давлат қурилиши ва қонунчилик Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг директори, юридик фанлари доктори.

П. Стучко номли Латвия давлат университетининг профессори депутат И. О. Бишерни Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади.

И. О. Бишер депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

И. О. Бишер кўпчилик овоз билан Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари этиб сайланади.

Палата Миллатлар Совети доимий комиссияларининг раисларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришади.

Р. Н. Нишонов Белоруссия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Г. С. Таразевични миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар доимий комиссиясининг раиси қилиб сайлашни таклиф этади.

Г. С. Таразевичга депутатларнинг саволларига жавоб қайтариш имконияти берилади.

Таклиф этилган номзод тўғрисидаги фикрлар ўртоқлашилди, фикрлашувда депутатлардан **И. Н. Грязин, Д. Худоназаров, Р. К. Оджиев** ва бошқалар қатнашдилар.

Палата депутат Г. С. Таразевични миллий сиёсат ва миллий муносабатлар доимий комиссиясининг раиси этиб сайлашга қарор қилади.

Литва ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори депутат Э. И. Вилкасни иттифоқ ва автоном республикалар, автоном областлар ва округларни социал ва иқтисодий ривожлантириш масалалари доимий комиссиясининг раиси этиб сайлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Э. И. Вилкас депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди. Унинг номзодини муҳокама этишда депутатлардан **Ю. В. Блохин, Р. М. Худойберганова, В. С. Шевченко, С. В. Игнатов, А. Акаев** ва бошқалар қатнашдилар.

Палата депутат Э. И. Вилкасни иттифоқ ва автоном республикалар, автоном областлар ва округларни социал ва иқтисодий ривожлантириш масалалари доимий комиссиясининг раиси қилиб сайлайди.

(ТАСС).

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

Фикрлашув натижасида, энг муҳими эса амалий иш натижасида биз бу ҳужжат мамлакатдаги вазиятга берилган баҳоларни, келгусидаги ички ва ташқи сиёсатимиз учун йўл-йўриқлар белгилаб берадиган сиёсий хулосаларни ўзида жамлаши керак, деган хулосага келдик. Шу билан бирга мазкур ҳужжат етарли даражада конкрет бўлиши, бир қанча муаммоларни амалий ҳал этиб бериши, СССР Олий Совети Президиумига, Министрлар Советига ва бошқарувнинг бошқа органларига топшириқлар бериши зарур.

Шуни ҳисобга олиб қарорнинг структураси таркиб топди. Ҳужжатнинг кириш қисмида СССР халқ депутатларининг съезди мамлакатда олий давлат ҳокимиятини тўлалигича ўз зиммасига олганлиги эълон қилинади. Кейинги бўлимлар мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг турли жиҳатларига бағишланган. Қайта қуришни амалга ошириш ва мамлакатни социал иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги марраларига олиб чиқиш учун халқимиз барча табақаларининг партия теварагида бирлашуви якунловчи қисмнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Биз ишда, деб давом этди нотиқ, М. С. Горбачев докладининг, Н. И. Рижков докладининг асосий қоидаларига, халқ депутатларининг нутқларига амал қилдик. Комиссия 702 та таклидий фикр ва таклифни таҳлил этди. Уларнинг катта қисми тақдим этилаётган лойиҳада ҳисобга олинди. Бошқа таклифлар хусусий тусда бўлганлиги ёки батафсил ўрганишни талаб этганлиги учун лойиҳада акс эттирилмади. Аммо уларнинг ҳаммаси СССР Олий Советида, унинг комитетлари ва комиссияларида, ҳукуматда бошқа давлат ва жамоат органларида келгусида кўриб чиқиш учун топширилади.

Депутатлар лойиҳани яқинда олдилар. Редакцион комиссиянинг раиси депутатлардаги текстга комиссиянинг ўзи тайёрлаган қўшимчалар ва ўзгартишларни ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчининг таклифига биноан, депутатлар қарор лойиҳасини редакцион комиссиянинг тузатишларини ҳисобга олиб, кўпчилик овоз билан асос учун қабул қиладилар.

Кечки мажлисда бир қанча депутатлар қарор лойиҳасига таклифлар ва тузатишларни президиумга топширдилар, баъзи депутатлар лойиҳага тузатишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида гапирдилар. Шундан кейин съезд депутатлар лойиҳага тузатишларини ва мулоҳазаларини ёзма равишда топширишлари мумкин, деган қарорга келди. Барча тузатишлар ва таклифларни редакцион комиссия ва съезд президиуми кўриб чиқади. Қарор лойиҳасининг тексти келишиб олиш учун халқ депутатларига юборилади. Ҳужжат ўн кундан кечиктирилмай эълон қилиниши керак.

Съезд конституцион комиссия составини кўриб чиқишга ўтади. Конституцион комиссиянинг депутатларга тарқатилган рўйхатига баъзи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилади.

Съезд овоз бериш йўли билан конституцион комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилади. Комиссия раиси — М. С. Горбачев.

М. С. Горбачев депутатлар билан келишиб СССР конституцион назорат комиссияси тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш учун комиссия тузишни таклиф қилади. Комиссиянинг состави эълон қилинади.

Кўпчилик овоз билан таклиф қабул қилинади.

Съезд кун тартибидаги сўнгги масалани кўришга ўтади.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьяновга** сўз беради. Съезднинг президиуми ва халқ депутатларининг съездда кўриб чиқилиши мумкин бўлган масалалар тўғрисидаги барча таклифларини диққат билан кўриб чиқди.

Кўпгина таклифлар у ёки бу шаклда съездда ҳал қилинди. Масалан, биз эрталаб СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида қабул қилган асосий қароримизда Олий Совета, ҳукуматга ҳамда бошқа органларга иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг, социал соҳани ривожлантиришнинг бир қанча масалалари юзасидан тегишли топшириқлар берилган. Халқ депутатлари Советлари тўғрисидаги қонунни тўбдан янгилаш, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Хусусан депутатларнинг СССР Олий Совети Президиуми баъзи Фармонларининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш зарурлиги ҳақидаги таклифлари қарорда ўз ифодасини топган.

Депутатлар амалдаги Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни ҳамда янги Конституцияни ишлаб чиқишни талаб қилганликлари муносабати билан бутун конституцион комиссия тузилди, унга ана шу масалаларни пухта ўрганиб чиқиб, тегишли таклифлар киритиш топширилди.

Съезд 1939 йилги Совет-Германия шартномасига баҳо бериш, Тбилисидаги воқеалар билан боғлиқ тафсилотларни текшириш, депутат Гдлян тергов группасининг фаолиятига тааллуқли материалларни текшириш юзасидан комиссиялар тузди ва бу комиссиялар ҳозир иш олиб бормоқда.

Съезд президиуми юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, «бошқа масалалар» сифатида қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш мумкин деган хулосага келди: биринчидан: СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида. Кўпгина СССР халқ депутатларининг нутқларида шу ҳақда таклифлар айтилди. Баъзи депутатлар ёзма равишда таклиф киритдилар. Масалан, депутатлар К. Д. Лубенченко, А. Ф. Назаренко, Ю. А. Кольцов, А. Е. Себенцов ўз мулоҳазаларини СССР халқ депутатлари статуси тўғрисида СССР Қонуни лойиҳалари шаклида тақдим этдилар.

Маълумки, халқ депутатларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги амалдаги қонунда белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг кўпгина муҳим нормалари қўлланиши мумкин ва ҳозироқ амалга оширилмоқда, чунки улар СССР Конституциясининг янги қоидаларига зид эмас. Бу депутатларнинг дахлсизлиги, депутатларнинг сайловчилар билан алоқалари, депутатлар сўрови, Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи ва бошқа кўпгина жиҳатларга тааллуқлидир.

Шу билан бирга СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги янги қонунни ишлаб чиқиш, унда халқ депутатларининг ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш, депутатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб қўйиш, депутатлар ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни батафсил регламентлаб қўйиш зарурлиги тўғрисидаги масалани жуда тўғри қўймоқдалар.

Ана шуларни ҳисобга олиб кўриб чиқишимиз учун съезд қарорининг лойиҳаси тақдим этилмоқда, бу лойиҳада халқ депутатлари статуси тўғрисидаги СССР Қонунини СССР халқ депутатларининг шу йил охирида бўладиган съездида қабул қилишни кўзда тутиб, ана шу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни СССР Олий Советига топшириш таклиф қилинади. Қарорда халқ депутатлари ҳозирнинг ўзидаёқ депутатлик фаолиятларини тағин ҳам самаралироқ амалга оширишлари учун шароит яратишга қаратилган баъзи қўшимча нормаларнинг ҳозирнинг ўзидаёқ белгилаб қўйиш таклиф этилади. Хусусан гап депутатларни тегишли материаллар билан таъминлаш, халқ депутатининг оммавий ахборот воситаларида қатнашишга устун даражадаги ҳуқуқи тўғрисида бормоқда. Депутат секретарга эга бўлиши, унга СССР Олий Совети сметаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланиши кўзда тутилган. Депутатларга ўз депутатлик бурчларини бажариш учун зарур бўлган хоналар ажратиб берилиши керак. Мансабдор шахслар СССР халқ депутатларига нисбатан ўз вазифаларини бажармаганликлари учун лавозимидан бўшатишгача интизомий жазога тортилиши белгилаб қўйилмоқда. Табиийки бу нормалар муваққат характерга эга бўлиб, СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги янги қонунда у ёки бу тарзда акс этади.

СССР халқ депутатлари статуси тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ҳақида съезд қарорининг лойиҳаси депутатларга тарқатилган.

Иккинчи масала: депутатларнинг кун тартибининг «бошқа масалалар» бандига киритиш тўғрисидаги таклифларининг анчагина қисми съезд, Олий Совет, комитетлар, комиссияларнинг, ҳар бир халқ депутатининг фаол ишлашини таъминлаш учун талаб қилинадиган қонунларни ишлаб чиқиш зарурлиги билан боғлиқ.

Шу муносабат билан съезд президиуми ана шу масала юзасидан СССР халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Советининг ва СССР Олий Совети органларининг фаолияти тартибини йўлга солиб турувчи баъзи қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш таклиф этади.

Бу қарор лойиҳаси депутатларга тарқатилган. Унда СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети регламентининг; СССР халқ депутатларининг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатларини қоплаш тўғрисидаги Қонуннинг; СССР халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонуннинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иккинчи съезд кўриб чиқиши учун тақдим этишни Олий Советга топшириш кўзда тутилган.

СССРда конституцион назорат тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга келганда эса, деди нотиқ, бундай топшириқни мазкур масала юзасидан съезд махсус ташкил этган комиссияга беришимиз мумкин бўлур эди. Шу сабабли буни Олий Советга топшириқлар бериш тўғрисидаги умумий қарорга киритмаслик лозимга ўхшайди.

Ниҳоят учинчи масала: бир қанча депутатлар СССР халқ депутатларининг съезди жаҳон халқларига мактуб билан мурожаат қилиши ҳақидаги таклифни киритдилар. Бу мактубда қайта қуришга ўз муносабатимизни, ташқи сиёсатимиз принципларини баён қилиб беришимиз мумкин эди.

Съезд мактубининг лойиҳаси ҳам депутатларга берилган.

Съезд муҳокамадан кейин СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш, халқ депутатлари съезди, Олий Совет ва унинг органлари фаолияти тартибини йўлга солиб турувчи баъзи Қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳақида, «СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрелдаги Фармонининг «Давлатга қарши жиноят учун жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунини 11 (прим) ифодаси билан тўлдириш ҳақидаги қисмини бекор қилиш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

СССР халқ депутатлари съездининг жаҳон халқларига мактуби қабул қилинади.

Съездда **А. Д. Сахаров** сўзга чиқди ва СССР халқ депутатлари съездининг иши тўғрисида ўз фикрини баён қилиб берди.

А. Д. Сахаровнинг нутқига депутат **А. Я. Троицкий** луқма ташлаб, президиумнинг бошқа СССР халқ депутатларини камситиб айрим депутатларга, хусусан А. Д. Сахаровга ҳаддан ташқари тез-тез минбар бераётганлигига қўшилмаслигини айтди.

М. С. Горбачев съездни ёпар экан, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга жуда катта ҳисса қўшганликлари учун СССР халқ депутатларига миннатдорчилик билдирди.

Мен, деди у, депутат Сахаровнинг съездни, унинг ролини ҳамда мамлакатимиз тақдирида муҳим босқични бошлаб берган аҳамиятини пасайтиришга қаратилган салбий мулоҳазаларини рад этаман, мен бу ерда балки бутун тарихимиз давомида биринчи марта бўлиб ўтган халқимизни ҳам, жаҳон халқларини ҳам қаяжонга солаётган барча муаммолар юзасидан ошкора, рўй-рост муноза раларни табриклайман.

Ҳамма муаммоларни биринчи съеждаёқ ҳал қилиб бўлмас эди, деди М. С. Горбачев, бу муаммоларнинг кўплари съезд эътиборидан четда қолди. Аммо биз ўз ишимизни эндигина бошлаяпмиз. Съездан сўнг унинг топшириқлари, қабул қилинган қарорлар асосида қонун чиқарувчи доимий орган сифатида СССР Олий Совети, унинг комитетлари, комиссиялари кўп сонли депутатлар иш бошлайдилар. Бу эса бу ерда айтилган ғоялар, киритилган таклифлар диққат билан ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва амалга оширилиши учун катта имконият яратади.

М. С. Горбачев ошкоралик, фикрларнинг хилма-хиллиги туфайли биз жамиятимизнинг ҳозирги ҳолатини кўрсатувчи муаммоларни биринчи марта ҳис этганлигимиздан, балки совет ҳокимиятининг янги органлари янгича ёндашувлар асосида, ошкоралик, демократия, рўй-ростлик шароитида сиёсий ислоҳотнинг келгуси босқичида ҳал этиши лозим бўлган вазифаларнинг улканлигини, муҳимлигини, кенг кўламлилигини мана шу съездда биринчи марта англаб етганлигимиздан мамнунлиги билдирди.

Биз, деб таъкидлади СССР Олий Советининг Раиси, энди билимлар билан яхшироқ қуролландик, бу эса бизга қайта қуриш барча йўналишларида, аввало халқларимизнинг энг муҳим эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан боғлиқ соҳаларда қатъият билан олга силжиши учун тўғри қарорлар ишлаб чиқишимизга, яхшироқ ҳаракат қилишимизга имкон беради. Бу ерда айтилган барча ғоялар, шу жумладан мунозара шаклида айтилган фикрлар кейинчалик Совет ҳокимияти органларининг фаолиятида ўз ечимини топишига ишонамиз.

Депутат ўртоқлар, деди М. С. Горбачев пировардида, сизларга катта-катта муваффақиятлар тилайман, сизларни катта ишлар кутмоқда ва биз демократия ва ошкоралик принциплари асосида халқ манфаатларини кўзлаб жамиятимизни янгилаш юзасидан бошлаган ишларимизни депутатлар корпуси уддалай олишига аминмиз.

СССР халқ депутатларининг биринчи съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

Совет Иттифоқи гимни янграйди.

(ТАСС).

• ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР •

Ҳукумат комиссияси Раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ғ. Ҳ. Қодировнинг Ўзбекистон телевидениеси мухбири билан

СУҲБАТИ

Фарғона областнинг меҳнаткашлари ва аҳолиси шу йил 3 июндан бошлаб оғир ва машаққатли кунларни бошидан кечирмоқдалар.

Ўзбек халқи эмас, балки бир гуруҳ экстремистлар ва жиноятчи унсурлар, аввало, ғаразли мақсадларни кўзлаб, дастлабки пайтларда ўзларининг жазоланмаслигидан фойдаланиб, одамларга жабр-зулм қилиб, уйларга ўт қўйдилар, корхоналарга, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биноларига ҳужум қилдилар. Сизларга маълумки, уларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида одамлар қурбон бўлди.

Бугунги кунда кўрилган чоралар натижасида умуман областдаги вазият нормаллашди ва барқарорлашди. Соқчилик хизмати кучайтирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қарийб 300 жиноятчини аниқладилар ва зарарсизлантирдилар, машаққатли тергов бошланди ва олиб борилмоқда. Безори гуруҳлардан 3 мингга яқин совуқ қурол тортиб олинди. Ҳозир меҳнат коллективларидаги ишчи дружиналарининг кучи билан корхоналар қўриқланмоқда. Биз безори унсурлар бундай ғалаёнларининг олдини олиш ва қатъий пайини қирқишга оид ишларни кучайтирамиз.

Ҳозирги пайтда кўпгина корхоналардаги меҳнат маромни нормал изга тушмоқда. Транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари илгаригидек мунтазам ишлаб турибди. Зое кетган вақтни ҳисобга олиб, ишларни кучайтириш, белгиланган планларни бажариш тадбирлари кўрилмоқда.

Биз одамлар ўртасида тўқнашув рўй берганлиги бежиз эмаслигини биламиз. Биз бундан шахсан манфаатдор бўлган кишиларни ҳам биламиз. Ўзбек халқи месхети турклари билан дўстликда яшамоқда ва яшашни истайди. Маҳаллий миллат кишилари ўз хонадонларида туркларни сақлаганликлари тўғрисида кўпгина мисолларни келтириш мумкин.

Мамлакат ва республиканинг партия ва совет органлари месхети турклари ўртага қўйган масалаларни ҳал этишни жадаллаштириш юзасидан қатъий чораларни кўрмоқдалар. Улардан 10 минг киши учун палатка шаҳарчаси ташкил этилди, одамлар зарур озиқ-овқат маҳсулотлари, медицина хизмати билан таъминланди. 425 киши, асосан, болалар, беморлар ва қариялар Москва областига олиб кетилди. Бугунги кунда мамлакат касаба союзларининг дам олиш уйларидан 1 минг ўрин ажратиб бериш тўғрисидаги масала ҳал этилди.

Сизларга маълумки, халқ депутатлари съезди СССР Олий Совети палаталарига кам сонли миллатлар ва элатлар, шу жумладан, месхети турклари, қрим татарлар, немислар ва бошқаларга оид комплекс масалаларни ишлаб чиқиш тўғрисида конкрет топшириқлар берилди. Бу масалалар яқин вақт ичида ижобий ҳал этилади, деган умиддамиз.

Ҳукумат номидан Фарғона области ва бутун республика аҳолисига мурожаат қилиб, уларни осойишталикни сақлашга, бизда илгари бўлгани сингари турли нотўғри ахборотлардан фойдаланмасликка даъват этаман. Биз оммавий ахборот воситалари орқали сизларни Фарғона областидаги ишларнинг аҳволидан мунтазам хабардор қилиб турамиз.

Айрим безори гуруҳлар раҳбарларининг ўз ҳаракатларимизни давом эттираверамиз, деган дўқ-пўписаларини турли кучлар ва воситалар ёрдамида бизга етказишга уринмоқдалар. Бунга жавобан Фарғона области ва бутун республика меҳнаткашларини, аҳолисини ишонтириб айтмоқчиманки, йўқ, бунга йўл қўйилмайди. Биз барча софдил кишиларни ҳимоя қилиш имкониятига эгамиз.

Учрашиш, бир-бирларининг фикрини тинглаш керак, сўнгги чораларни кўришга мажбур этмаслик зарур.

Республиканинг барча аҳолисидан осойишталикни сақлашни илтимос қиламиз.

(ЎзТАГ).

ИНСОНИЙЛИККА ДАЪВАТ

9 июнь куни редакциямизга Қўқондан сим қоқишди. «Бу мен, Одилман, эслаяпсизми?» — дерди тўлқинланиб у.

Албатта эслаймиз. Одил Юсупов — ёш юрист, Афғонистонда бир қўлидан ажралган собиқ аскар, У «Одамийлик, инсонпарварлик» деб аталган кўнгилли ташкилотнинг фаолларидан бири. Бу ташкилот ўз атрофига кўҳна шаҳарда вужудга келган экологик вазиятдан ташвишга тушган гражданларни бирлаштирган.

Одил Юсупов ва унинг куни кеча «Енгинда жасорат кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотланган дўсти, музика муаллими Ғулом Саримсоқов яқинда редакциямизда бўлишган эди.

Шундай қилиб ўртоғимиз ташвишланиб деди:

— Вазиятни юмшатиш, қон тўкилишига йўл қўймасликка интилиб, қўлимиздан келган барча ишни қиляпмиз. Афғонистонда бўлган жангчилар, турли касб ва ёшдаги бошқа ўртоқларимиз маҳаллаларга боришмоқда, ота-оналар, оқсоқоллар билан суҳбатлашиб, вазиятни холисона тушунтиришмоқда. Тўпланган гражданлар билан суҳбатлашмоқдамиз, рўй бераётган ҳодисани рўй-рост тушунтиряпмиз.

— Биз уч кун мобайнида вазиятни оғирлаштирмасликка ёрдам бердик, — деб сўзида давом этди Одил Юсупов, — чунки бизнинг Қўқон ёшлари миллатидан қатъий назар байналминаллик руҳида, тинчликсеварлик, дўстлик руҳида тарбияланган.

Лекин, кейинчалик шаҳримизга кимларнингдир қутқусига учган тўдалар кириб кела бошлади. Ана шу кишилар эҳтиросларни авж олдириб, халқнинг осойишталигини бузишди. Шаҳарга олиб келаётган барча йўлларни тўсиб қўйиш зарур, деди интернационалчи жангчи.

— Бундан ташқари ғиғогарларга чинакам зарба берилмаяпти, — деб таъкидлади у. — Масалан, биз қайси бир райондан келган нотаниш йигитни ушладик. У йиғилишларда ва митингларда пайдо бўлар, шаҳарнинг қайси бир районида, ҳов анаву ерда, турклар ўзбекларни ўлдиряпти, мен одамларни у ерга бирродарларимизни «ҳимоя қилишга» олиб боришга тайёрман, деб қичқирарди. Бу, албатта, ғирт бўҳтон гаплар эди. Қандайдир устомон кишилар бу гапларни унга ўргатишгани кўриниб турарди. Биз йигитни милицияга топширдик.

Одил ўз ўртоқлари мижжа қоқмасдан жон-жаҳдлари билан ишлаётгани, «Қилич ва қалқон» клуби аъзолари — ўсмирлар ҳақида гапириб берди. Бу клубни интернационалчи жангчилар ташкил этишган. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, катта оғалари қўлида тарбияланиб, тобланган ўсмирлар вазиятни нормаллаштириш учун кўп иш қилишди. Улар ўзларининг юзлаб тенгдошларини ўйламай-нетмай ҳаракат қилишдан тийиб қолишди.

— Ўтган кеча Қўқонда нисбатан осойишта кечди, — дея гапига хулоса ясади Одил Юсупов. — Лекин шаҳар ташқарисида, унга яқин районларда отишувлар эшитилиб турди... Биз яхши кунлар келишига ишонамиз. Ўз инсоний бурчимизни ҳар қандай шароитда ҳам бажараверамиз. Соғлом фикр ақл-идрок, инсонийлик устун келишига ишонамиз.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

«ҚАЙНОҚ НУҚТАЛАР» ХРОНИКАСИ

ЎЗТАГ МАХСУС МУХБИРИ 10 ИЮНДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАБАР ҚИЛДИ:

Аҳолининг асаб торлари таранг тортилган: дераза ойнасининг тасодифан тақиллаши милтиқдан отилган ўқдек туюлмоқда... Соат 20 га бориб Фарғона, Марғилон, Тошлоқ ҳувуллаб қолади, кўчаларда соқчилардан бошқа ҳеч ким йўқ.

Мотоцикллардаги безорилар усталик билан авж олдираётган асабий вазият ақл бовар қилмайдиган миш-мишларни келтириб чиқармоқда. Кечқурун ва тун мобайнида тартибни ўрнатиш штабига «экстремистлар ҳужуми» тўғрисида етти марта қўнғироқ қилишди. Комендантлик соати бошланишидан бир оз олдин 300 нафар бандит тергов изоляторига ҳужум қилганлиги тўғрисида ишонса бўладигандек кўринган манбадан хабар қилишди. Бронетранспортерлар, ички қўшин солдатлари дарҳол ўша томонга йўл олишди ва ...вазиятни билиш учун келган бор-йўғи ўн беш нафар оқсоқолни кўрдилар.

Тун нисбатан осойишта ўтди, аммо кундузги ва кечки соатлар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Ички қўшинлар ишғол этилган транспорт ва биноларни қайтариб олиб, ҳужум қилганларни тарқатиб юбордилар.

Яйпанда областнинг бир қанча районларидан келган группалар район ички ишлар бўлимига ҳужум қилиб, прокуратура биносига ўт қўйдилар. Ўқ отиш қуроли, ёнилғи солинган шишалар, пичоқлар, тошлар яна ишга солинди. Тунга бориб ҳужум қилганлар тарқатиб юборилди. Дастлабки маълумотларга кўра, ўтган бир кеча-кун мобайнида 129 жойда алғов-далғов қилиниб, уйларга ўт қўйилди, 34 та автотранспорт вайрон қилинди, 28 киши, шу жумладан 6 нафар милиция ходими оғир тан жароҳати олди. Олтита жасад топилди. Безорилик ҳаракатлари учун 28 киши, комендантлик соатини бузганлиги учун 202 киши ушланди.

Безориларнинг унча катта бўлмаган группалари областнинг «қайноқ нуқталари»га киришга уринишди. Қўқонда 60 нафар месхети туркларини вертолётларда шошилинч равишда кўчиришга тўғри келди. Бугунги кунгача ички қўшинлар солдатлари ва офицерларидан 138 киши шикастланди. Улар асосан пичоқ урилган, лат еган, куйган кишилардир.

Аҳоли ўртасида айрим кишилар вақтинчалик социал-иқтисодий шароитларни яхшилаш учун кураш, деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Ички қўшин соқчилари бир қанча енгил машинани тўхтатиб, уларнинг ичидан кўп миқдорда пул топдилар. Тергов бу пуллар қаердан олинганини, кимга юборилганлигини аниқлаши лозим бўлади.

Қўқон трассасида соқчи милиционер «Жигули» машинасини текшириш учун тўхтатганида унга тўрт киши пичоқ билан ташланишди. Етиб келган ички қўшин сержанти Сергей Каценторн ва оддий аскар Александр Киприн уларнинг тўрталовини ҳам қўлга олдилар.

Бу ерда кунлар шундай ўтмоқда. Аммо бошқа одамлар, бошқа воқеалар ҳам бор... Бугун эрталабдан биз Фарғона районидаги Ленин номли колхозда бўлдик. Ёндириб юборилган ва таланган уйларни кўрганингда кишининг дили қайғу аламга тўлади. Съездга тайёргарлик ва унинг иши чоғида, деди у, республикалар ва регионларнинг делегациялари, халқ депутатлари дастлабки кун тартибига кирмай қолган бир қатор масалаларни съездда кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритган эдилар. Шу сабабли съезднинг биринчи мажлисида кун тартибини «бошқа масалалар» билан тўлдиришга қарор қилинди.

Съезд президиуми халқ депутатларининг съездда кўриб чиқилиши мумкин бўлган масалалар тўғрисидаги барча таклифларини диққат билан кўриб чиқди.

Кўпгина таклифлар у ёки бу шаклда съездда ҳал қилинди. Масалан, биз эрталаб СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида қабул қилган асосий қароримизда Олий Совета, ҳукуматга ҳамда бошқа органларга иқтисодий ислоҳотни амалга оширишнинг, социал соҳани ривожлантиришнинг бир қанча масалалари юзасидан тегишли топшириқлар берилган. Халқ депутатлари Советлари тўғрисидаги қонунни тўбдан янгилаш, ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Хусусан депутатларнинг СССР Олий Совети Президиуми баъзи Фармонларининг Конституцияга мувофиқлигини текшириш зарурлиги ҳақидаги таклифлари қарорда ўз ифодасини топган.

Депутатлар амалдаги Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни ҳамда янги Конституцияни ишлаб чиқишни талаб қилганликлари муносабати билан бутун конституцион комиссия тузилди, унга ана шу масалаларни пухта ўрганиб чиқиб, тегишли таклифлар киритиш топширилди.

Съезд 1939 йилги Совет-Германия шартномасига баҳо бериш, Тбилисидаги воқеалар билан боғлиқ тафсилотларни текшириш, депутат Гдлян тергов группасининг фаолиятига тааллуқли материалларни текшириш юзасидан комиссиялар тузди ва бу комиссиялар ҳозир иш олиб бормоқда.

Съезд президиуми юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, «бошқа масалалар» сифатида қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш мумкин деган хулосага келди: биринчидан: СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида. Кўпгина СССР халқ депутатларининг нутқларида шу ҳақда таклифлар айтилди. Баъзи депутатлар ёзма равишда таклиф киритдилар. Масалан, депутатлар К. Д. Лубенченко, А. Ф. Назаренко, Ю. А. Кольцов, А. Е. Себенцов ўз мулоҳазаларини СССР халқ депутатлари статуси тўғрисида СССР Қонуни лойиҳалари шаклида тақдим этдилар.

Маълумки, халқ депутатларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги амалдаги қонунда белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг кўпгина муҳим нормалари қўлланиши мумкин ва ҳозироқ амалга оширилмоқда, чунки улар СССР Конституциясининг янги қоидаларига зид эмас. Бу депутатларнинг дахлсизлиги, депутатларнинг сайловчилар билан алоқалари, депутатлар сўрови, Қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқи ва бошқа кўпгина жиҳатларга тааллуқлидир.

Шу билан бирга СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги янги қонунни ишлаб чиқиш, унда халқ депутатларининг ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш, депутатларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб қўйиш, депутатлар ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни батафсил регламентлаб қўйиш зарурлиги тўғрисидаги масалани жуда тўғри қўймоқдалар.

Ана шуларни ҳисобга олиб кўриб чиқишимиз учун съезд қарорининг лойиҳаси тақдим этилмоқда, бу лойиҳада халқ депутатлари статуси тўғрисидаги СССР Қонунини СССР халқ депутатларининг шу йил охирида бўладиган съездида қабул қилишни кўзда тутиб, ана шу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни СССР Олий Советига топшириш таклиф қилинади. Қарорда халқ депутатлари ҳозирнинг ўзидаёқ депутатлик фаолиятларини тағин ҳам самаралироқ амалга оширишлари учун шароит яратишга қаратилган баъзи қўшимча нормаларнинг ҳозирнинг ўзидаёқ белгилаб қўйиш таклиф этилади. Хусусан гап депутатларни тегишли материаллар билан таъминлаш, халқ депутатининг оммавий ахборот воситаларида қатнашишга устун даражадаги ҳуқуқи тўғрисида бормоқда. Депутат секретарга эга бўлиши, унга СССР Олий Совети сметаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланиши кўзда тутилган. Депутатларга ўз депутатлик бурчларини бажариш учун зарур бўлган хоналар ажратиб берилиши керак. Мансабдор шахслар СССР халқ депутатларига нисбатан ўз вазифаларини бажармаганликлари учун лавозимидан бўшатишгача интизомий жазога тортилиши белгилаб қўйилмоқда. Табиийки бу нормалар муваққат характерга эга бўлиб, СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги янги қонунда у ёки бу тарзда акс этади.

СССР халқ депутатлари статуси тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини тайёрлаш ҳақида съезд қарорининг лойиҳаси депутатларга тарқатилган.

Иккинчи масала: депутатларнинг кун тартибининг «бошқа масалалар» бандига киритиш тўғрисидаги таклифларининг анчагина қисми съезд, Олий Совет, комитетлар, комиссияларнинг, ҳар бир халқ депутатининг фаол ишлашини таъминлаш учун талаб қилинадиган қонунларни ишлаб чиқиш зарурлиги билан боғлиқ.

Шу муносабат билан съезд президиуми ана шу масала юзасидан СССР халқ депутатлари съездининг, СССР Олий Советининг ва СССР Олий Совети органларининг фаолияти тартибини йўлга солиб турувчи баъзи қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш таклиф этади.

Бу қарор лойиҳаси депутатларга тарқатилган. Унда СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети регламентининг; СССР халқ депутатларининг депутатлик фаолияти билан боғлиқ харажатларини қоплаш тўғрисидаги Қонуннинг; СССР халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонуннинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иккинчи съезд кўриб чиқиши учун тақдим этишни Олий Советга топшириш кўзда тутилган.

СССРда конституцион назорат тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга келганда эса, деди нотиқ, бундай топшириқни мазкур масала юзасидан съезд махсус ташкил этган комиссияга беришимиз мумкин бўлур эди. Шу сабабли буни Олий Советга топшириқлар бериш тўғрисидаги умумий қарорга киритмаслик лозимга ўхшайди.

Ниҳоят учинчи масала: бир қанча депутатлар СССР халқ депутатларининг съезди жаҳон халқларига мактуб билан мурожаат қилиши ҳақидаги таклифни киритдилар. Бу мактубда қайта қуришга ўз муносабатимизни, ташқи сиёсатимиз принципларини баён қилиб беришимиз мумкин эди.

Съезд мактубининг лойиҳаси ҳам депутатларга берилган.

Съезд муҳокамадан кейин СССР халқ депутатлари статуси тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаш, халқ депутатлари съезди, Олий Совет ва унинг органлари фаолияти тартибини йўлга солиб турувчи баъзи Қонунларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳақида, «СССР Олий Совети Президиумининг 1989 йил 8 апрелдаги Фармонининг «Давлатга қарши жиноят учун жавобгарлик тўғрисида»ги СССР қонунини 11 (прим) ифодаси билан тўлдириш ҳақидаги қисмини бекор қилиш тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

СССР халқ депутатлари съездининг жаҳон халқларига мактуби қабул қилинади.

Съездда **А. Д. Сахаров** сўзга чиқди ва СССР халқ депутатлари съездининг иши тўғрисида ўз фикрини баён қилиб берди.

А. Д. Сахаровнинг нутқига депутат **А. Я. Троицкий** луқма ташлаб, президиумнинг бошқа СССР халқ депутатларини камситиб айрим депутатларга, хусусан А. Д. Сахаровга ҳаддан ташқари тез-тез минбар бераётганлигига қўшилмаслигини айтди.

М. С. Горбачев съездни ёпар экан, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга жуда катта ҳисса қўшганликлари учун СССР халқ депутатларига миннатдорчилик билдирди.

Мен, деди у, депутат Сахаровнинг съездни, унинг ролини ҳамда мамлакатимиз тақдирида муҳим босқични бошлаб берган аҳамиятини пасайтиришга қаратилган салбий мулоҳазаларини рад этаман, мен бу ерда балки бутун тарихимиз давомида биринчи марта бўлиб ўтган халқимизни ҳам, жаҳон халқларини ҳам қаяжонга солаётган барча муаммолар юзасидан ошкора, рўй-рост муноза раларни табриклайман.

Ҳамма муаммоларни биринчи съеждаёқ ҳал қилиб бўлмас эди, деди М. С. Горбачев, бу муаммоларнинг кўплари съезд эътиборидан четда қолди. Аммо биз ўз ишимизни эндигина бошлаяпмиз. Съездан сўнг унинг топшириқлари, қабул қилинган қарорлар асосида қонун чиқарувчи доимий орган сифатида СССР Олий Совети, унинг комитетлари, комиссиялари кўп сонли депутатлар иш бошлайдилар. Бу эса бу ерда айтилган ғоялар, киритилган таклифлар диққат билан ҳар томонлама кўриб чиқилиши ва амалга оширилиши учун катта имконият яратади.

М. С.